

# HUQUQ

# 05  
(424)

YURIDIK GAZETA

Fevral

D.	6	13	20	27
S.	7	14	21	28
Ch.	1	8	15	22
P.	2	9	16	23
J.	3	10	17	24
Sh.	4	11	18	25
Y.	5	12	19	26

2006

Gazeta 1997-yil 27-avgustdan chiqq boshlagan.

WWW.HUQUQ.UZ E-mail: Info@huquq.uz



Шахрихон туманининг «Дурман» қишлоғида янги қишлоқ врачлик пункти фойдаланишга топширилди. Барча қулайликларга эга, замон талаби даражасида жиҳозланган врачлик пункти дўрманликларнинг оғирини енгил қилди. Сабаби улар шу вақтга қадар туман марказий шифохонасига қатнар эдилар, Янги шифо маскани бу муаммони ҳал этди.

Суратда: Қишлоқ врачлик пунктнинг умумий кўриниши; врачлик пункти мудири Абдулҳамид Омонов ва ҳамшира Нозима Қосимова.

Шухрат ОЛИМОВ олган суратлар.



↓ Uchrashuv

## Парламент фаолиятига бағишланди

Ўтган жума куни Республика Бош прокуратурасида Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг кўмига раиси, юридик фанлар доктори, профессор Акмал Саидов билан учрашув бўлиб ўтди. Икки палатали парламентнинг бир йиллик фаолиятига тўхталар экан, Акмал Саидов жумладан куйидагиларни баён этди:

— Бундан роса бир йил аввал парламент палаталарининг қўшма мажлисида сўзлаган нутқида Президентимиз «давлат қурилиши ва бошқаруви соҳасидаги энг муҳим вазифа — қонунчилик ҳокимияти бўлимиш мамлакат парламентининг роли ва таъсирини кучайтириш, ҳокимиятнинг қонунчилик, ижро ва суд тармоқлари ўртасида янада мутаносиб ва барқарор мувозанатга эришишдан иборат» дея белгилаб берганди. Икки палатали парламент жорий этилишининг ўзи мана шу вазифани амалга ошириш сари ташланган тарихий қадам бўлди. Бунга Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатасининг бир йиллик фаолиятига назар ташлаб амин бўлишимиз мумкин.

Бир йил давомида кўплаб янги қонунлар қабул қилинди, мавжудларига ўзгартиришлар киритилди. Қонун ижодкорлиги жараёни пухта-лаштирилиб, тўрт bosқичли этиб белгиланди. Биринчи bosқичда қонун лойиҳасининг концепцияси ишлаб чиқилади. Содда қилиб айтганда, қонун ташаббускорлиги ҳуқуқига эга органдан киритилган қонун лойиҳасига амалда зарурат бор-йўқлиги аниқлаб олинади. Иккинчи bosқичда лойиҳа моддама-модда муҳокама қилинади. Хар бир фракция, кўмига лойиҳага таклифини киритади. Учинчи ўқишдан сўнг қонун қабул қилиниб, Сенатга юборилади. Кейинги икки bosқич сифатида Сенат ва Президентимиз томонидан қонуннинг қабул қилинишини ажратиб кўрсатиш мумкин.

Таъкидлаш жоизки, икки палатали парламент жорий қилингач, том маънода парламентаризмнинг қоидалари ишлай бошлади. Эндилқида қонун лойиҳалари очқ ва жиддий муҳокама қилинмоқда. Фракциялар унга ўз сиёсий манфаатидан келиб чиққан ҳолда ёндашмоқдалар. Сенаторлар ҳам қонунларни тасдиқлашга талабчанроқ ёндашаётганлиги ҳаммага аён. Мана, масалан «Ипотeka тўғрисида»ги қонун Сенат томонидан қабул қилинмади. Натижада келишув комиссияси тузилмоқда. Ёки халқаро шартномаларни ратификация қилиш ёки денонсация қилишга ҳам ўзгача ёндашила бошланди. Хонобод авиабазасидан фойдаланиш тўғрисидаги шартноманинг ва «Халқаро консуллик алоқалари» ҳақидаги конвенциянинг денонсация қилиниши фикримизга мисол бўла олади.

Очиги, Қонунчилик палатасининг фаолияти ҳақида кенг жамоатчиликда тўлиқ таассурот шаклланмаётганлиги афсусланарли ҳол. Бунинг сабаби битта: палата ва оммавий ахборот вакиллари ўртасидаги ҳамкорлик етарли даражада эмас. Республикаимизда бир неча юзта оммавий ахборот воситаси бўлса-да, Қонунчилик палатасида уларнинг махсус мухбирлари йўқ. Бугунга келиб парламентда фақат «Солиқ ва божхона хабарлари» газетасининггина мухбири мавжудлиги ачинарли ҳол. Газеталарда парламент муҳокамасига қўйилган қонун лойиҳаларига оид бахсларга деярли кўзимиз тушмайди. Парламент фаолияти ҳақидаги мақолаларнинг барчаси бир хил — хабар тарзида берилаётир.

Шунингдек, учрашувда Акмал Саидов ҳуқуқий ислохотларга оид кўпгина долзарб масалаларга ҳам тўхталди ўтди.

Абдурахмон МУСТАФОКУЛОВ,  
«Ндиқ» мухбири

↓ Xabar

## Тадбирлар самара бераяпти

Андижон вилоят прокуратураси органлари вояга етмаганлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида тегишли идоралар ва жамоатчилик билан яхши ҳамкорликни йўлга қўйган. Айниқса, шаҳар ва туман прокуратуралари ҳузурида вояга етмаганлар ишлари бўйича идораларо мувофиқлаштирув марказлари ташкил этилиши диққатга сазовордир.

Ўтган ҳафта Андижон шаҳар прокуратурасида шаҳар ҳокимлиги, таълим, соғлиқни сақлаш, меҳнат ва иқтисодий таъминот, ички ишлар органлари, жамоат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш

органларининг раҳбарлари, шаҳардаги мактаб ва коллежларнинг ўқувчилари иштирокида мувофиқлаштирув марказининг йиғилиши ўтказилиб, вояга етмаганлар ўртасидаги жиноятчилик аҳволи, мутасадди идоралар фаолиятидаги нуқсонлар муҳокама этилди ва тегишли қарор қабул қилинди.

Тадбирларнинг самараси ўларок, вилоятда 2005 йилда вояга етмаганлар ўртасидаги жиноятчилик 7.2 фоизга камайишга эришилди.

И.НИЗОМОВ,  
Андижон вилоят прокуратурасининг  
катта ёрдамчиси

↓ Seminar

## СУД-ҲУҚУҚ ИСЛОХОТЛАРИ ЙЎЛИДА

28 январ куни Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармасида «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги ҳамда «Қамоқда олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида»ги фармонларидан келиб чиқадиган вазифалар» мавзусида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.

Ушбу анжуман Бош прокуратура, ИИВ, Олий суд ва ТДЮИ томонидан ташкил этилиб, унда Тошкент шаҳрининг туман прокурорлари, терговчилари, шаҳар ИИББ ТБ терговчилари, жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар ва туман судьялари, ҳуқуқий маслаҳатхона мудирилари ҳамда ҳуқуқшунос олимлар иштирок этишди.

Маърузаларда юқоридаги фармонлардан келиб чиқадиган вазифалар муҳокама этилди. Сўзга чиққанлардан Бош прокурор ўринбосари К.Исмоилов, Ички ишлар вазирининг ўринбосари А.Шарофиддинов, Олий суд раисининг ўринбосари Б.Жамолов, Бош прокуратура Қонунчилик муаммолари ва прокурор-тергов ходимлари малакасини ошириш маркази директори Э.Абзалов, юридик фанлар доктори Б.Пўлатов ва бошқалар фармон ижросини таъминлаш жараёнида амалий қонунчиликка киритиладиган ўзгартиш ва қўшимчаларга алоҳида тўхталдилар.

Шундан сўнг айрим маърузачилар фармон бўйича санкция бериш ҳуқуқини қайси судларга ўтказиш муаммосини ўртага ташлагани ҳолда, баъзилар буни муҳокама қилишга хожат йўқлигини, фармоннинг биринчи банди, иккинчи хатбошисиди

«...фақат жиноят ишлари бўйича судлар ёки харбий судлар ваколатига мувофиқ, уларнинг қарори бўйича амалга оширилиши лозим» деб ёзиб қўйилганлиги ҳақида фикр билдирдилар. Адвокатура вакиллари эса озоқликдан маҳрум этилган шахсларнинг пенсия таъминоти масаласини ҳам кун тартибига қўйишди. Шу билан бирга халқаро пакт нормаларига мувофиқ иш юритиш лозимлиги ҳам алоҳида таъкидланди.

Хулоса қилиб айтганда, давлатимиз томонидан суд-ҳуқуқ масалалари жаҳон андозаларига мос тарзда ислох қилинаётган бугунги кунда ҳуқуқшуносларимизнинг олдида ҳал қилиниши керак бўлган юмушлар таллайгина. Бундай семинарларнинг ўтказилиши эса бу ишга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшади.

↓ Sarhisob

## УСТУВОР ВАЗИФАЛАР ИЖРОСИ

Республика Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖКК департаменти бошлиги Пўлат БОБОЖОНОВ билан сўхбат

— XXI асрнинг бешинчи йили ҳам тарих мулкига айланди. Аёнгача кўра, янги йил бошида ўтган йилда амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилиниб, кейинги режалар белгилаб олинади. Сўхбатимизни сиз раҳбарлик қилаётган Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаментининг 2005 йилги фаолияти яқунлари ҳақидаги хулосалардан бошласак.

— Ўтган йили департамент органлари томонидан Президент фармонлари ва ҳукумат қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида иқтисодиёт, солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашни кучайтириш, давлатга етказилган зарарни ундириш борасида муайян ишлар амалга оширилди. Айниқса, иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, ҳўжалик юритувчи субъектларда ўтказиладиган текширишларнинг қонун доирасида амалга оширилишини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Солиқ сисёатининг моҳиятини тушунтириш бўйича 28.771 та тадбир ўтказилиши натижасида солиқ тўловчилар томонидан бюджетга 9,4 млрд. сўмлик солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар ихтиёрий равишда тўланишига эришилди. Давлат бюджетига 84,8 млрд. сўм қўшимча солиқ ва жарималар ҳисобланиб, 47,3 млрд. сўмин ундирилди. Текширишлар сони аввалги йилга нисбатан 41,1 фоизга камайтирилишига эришилди. (Давоми 3-бетда).

## Моҳият

Ҳиммат агар бўлса

Навоий сенга,

Бандадурур Ҳотами

Тоий сенга.

Алишер НАВОЙИ

## СВОЖҚҚ ДЕПАРТАМЕНТИ ХАБАР ҚИЛАДИ

«Туронбанк»нинг Тошкент шаҳар амалиёт бошқармасига қарашли валюта айирбошлаш шахобчасидан банк хайдовчиси Б.Илёсов ноқонуний равишда фуқаро Н.Муталованинг фуқаролик паспорти билан 76.215 АКШ доллари олганлиги аниқланган.

Гулистон шаҳар молия бошқармаси мансабдорлари 2005 йил давомда бюджет ҳисобидан маблаг билан тазминланадиган қорхона ва ташкилотларнинг харажатлари учун белгиланган сметаларни ўзгартириб, 252 млн. 184 минг сўмини ортиқча молиялаштириб, ҳисоботлардан харажатларга чиқарганликлари аниқланган.

Қибрай туманида яшовчи М.Алимов қорхонанинг «Дамас» автомашинасида фуқаро М.Абдибаев Козогистондан Ўзбекистон ҳудудига боғжона назоратини четлаб, 3 млн. 622 минг сўмлик болалар кийим-кечакларини олиб ўтганлиги аниқланди.

Тўрақўрғон туманидаги «Фуқароларга тиббий ижтимоий хизмат кўрсатиш маркази» МЧЖ бош ҳисобчиси М.Саматов миқдорларга берган қвнантияларини қалбақлаштириб, 2878 нафар фуқарога кўрсатган тиббий хизмати учун олган 1 млн. 477 минг сўмин жамиятга қирим қилмай, ўзлаштирган.

«Дўстлик пахта тозалаш» ОАЖ мансабдорлари «Зарбдор пахта тозалаш» ОАЖ мансабдор шахслари билан тил бириктириб, «Зарбдор пахта тозалаш» ОАЖдан аслида олинмаган 23 млн. 125 минг сўмлик 871 тонна пух аралаш чиқиндини «олинди» деб ҳужжатлаштирилганлиги, ушбу маҳсулотларни эса талон-тароҳ қилганликлари маълум бўлди.

Сирдарё туманида яшовчи И.Ҳамидов ўзи уйда пахта ёғи ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Унинг фаолияти ўрганилганда, тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтмай яширин ҳеч ташкил қилганлиги, электр тармоғига ўзбошимчилик билан уланиб, туман электр тармоқлари идорасига 167 минг сўмлик зарар етказганлиги аниқланди. И.Ҳамидовнинг уйдан 5400 кг. чегит, 400 литр ўсимлик ёғи ва мойҳувоз далилий ашё сифатида олинган.

Чирчиқ шаҳар ИПХ масканида А.Мамашиддиқов бошқарувидagi «ЗИЛ — 130» русумли автомашина тўхтатилиб текширилганда, унинг юкюнасиди «Косон ёғ экстракция заводи» АЖда ишлаб чиқарилган 5 млн. 206 минг сўмлик 5850 кг. ўсимлик ёғи мавжудлиги аниқланган. Маълум бўлишича, Чирчиқ шаҳрида жойлашган «Улфат Трейдинг» ХК раҳбари У.Муслимов ва сотувчи Д.Каримовлар А.Мамашиддиқов билан келишиб, ушбу ёғни нақд пулга сотиб олиб, фирма дўконда қайта сотиш учун олиб келаётган экан.

Сурхондарё вилоятидаги «Қорасу» ширкат ҳўжялиги қорамолчилик оилавий пудрат раҳбари Б.Зойиров 11 млн. 361 минг сўмлик чорва молларини ўзлаштирилганлиги аниқланди. Текширувда туман қишлоқ ва сув ҳўжаллиги бўлими бошлигининг ўринбосари Э.Жабборов, бўлим чорва мутахассиси И.Садовтов ва бошқарув олдидан келишиб, «Қорасу» ширкат ҳўжялигида мавжуд бўлган камомадни яшириб, сохта далалатнома расмилаштирилганликлари маълум бўлди.

Юқорилдаги барча ҳўжатлар юзасидан ЖКнинг тегишли моддалари билан жиноят иши қўзғатилган.

## Қоровули ҳўшёр экан...

15 ёшидаёқ ўғирлик қилгани учун судланган Зухриддин(исм ўзгартириб берилмоқда)нинг аллақачон дунёга ўғринча кўз ташлай бошлагани атрофдагиларнинг ҳаёлига ҳам келмаган эди десак унчалик тўғри бўлмас. Сабаби, унинг қадам босиши бежоллигини қариндош-уруғ, қўни-қўшилар билар, лекин ўзларини билмасликка олишар эди. «Сен менга тегма, мен сенга тегмайман» қабилда юрганлар «Зухриддин яна қамалибди» деб эшитишганда «Шундай бўлиши аниқ эди» дейишгани турган гап.

Жиноят жазосиз қолмаслиги аниқ. Лекин у содир этилмаслиги ҳам мумкин эди-ку!

Зухриддин ўғирлик билан қўлга тушгач, ўзаро келишмовчиликлари боис фарзанд тарбиясини нутиб қўйган ота-онаси энди боламизнинг тарбиясига қаттиқ турамиз деб ваъда беришган эди. Бироқ, вақт ўтиши билан яна «ўғринга бола» назоратсиз қолаверди. Унинг ўзи унчалик нотавон бола эмас, автомобилларни яхши тушунади.

Ишлаб топган пулини интернет-клубда сарфлаб юрган кезларида яна эски хунарини қўмсаб қолар, лекин олдинги жинояти учун уч йиллик синов мuddати гўё уни қайтариб тургандай эди.

Синов мuddати тугаб, ўзини эркин ҳис қилиб юрган кунларининг бирида кечки пайт интернет-клубда бор пулини сарфлаб қайтаётган Зухриддин йўл четидида дўконга кўзи тушиб, галати бўлиб кетди. Ахир у бу дўконни ўмарий режасини ишлаб чиққанга ҳам ярим йилдан ошди. Бугун ўша дақиқалар отиб келди шекилли, Зухриддин ажирлик билан девордан ортиб ўтди ва дўконнинг ёғи томондан уриб-уриб кўрди. Сўнг икки қадам орта чекиниб, зарб билан деворни тепди. Омонат экан, бир зарбга ҳам чидамади. Дўкон ичига тушган Зухриддиннинг ҳафсаласи пир бўлди: бу ерда аргизулик нарсанинг ўзи кўринмасди. Начора, қўлга илинган чойнак ва эски магнит-тофонни ортмоқлаб чиқди. Уларни кўздан панарок жойга ташлаб келиб, девордаги ҳаво совуттичини ҳам кўтариб кетди. Ўлжаларини бозорга чиқариб, дуч келган одамга сотиб юборди.

Майда ўғирликлардан топадиган пули Зухриддиннинг сарф-харажатига етмасди. Энди тузқорук иш қилишни йўлаб юрган йигитча «Кичик бешоғоч» кўчасидаги «Узкоммунал-энергия созлаш» қорхонасини нишонга олади. Девор ошиб қорхона ҳудудига кириб олган Зухриддин оմборхона эшигини бузишга киришади. Қулфни темир арматура билан бузишга берилиб кетганидан қорувол йигитнинг орқадан келиб қолганини ҳам сезмай қолди. Қончиша угулмади, қоровул йигит чойрак экан, уни ҳаш-паш дегунча деворга тиради. Сўнг миллицияга телефон қилди. Суд Зухриддиннинг қилимишга яраша жазо белгилади: у энди беш ярим йил умумий тартибли колонияда жазо ўтайди.

З.СОЛИЕВ,

Яккасарой туман прокурорининг ёрдамчиси

## Спирт сотувчилари

2004 йил 15 январда ҳўкумати-мизининг «Спирт ва алкоғоли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва сотиш устидан давлат назоратини қучайтиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»-ги қарори қабул қилинган эди. Қарор ижросини таъминлаш мақсидида прокуратура органлари бир қатор ишларни амалга ошириб келмоқда.

Хўсусан, 2005 йилда Сирдарё вилоятида спиртли маҳсулотларни ноқонуний равишда ишлаб чиқариш ва сотишга оид 148 та қонунбузилиш ҳолати аниқланди. Қонунбузарларга нисбатан 99 та

жиноят ишиқўзғатилиб, 15.850.000 сўмлик қўлбола спиртли ичимликлар йўқ қилинди. Жорий йилда бу йўналишдаги ишларни янада қучайтириш кўзда тутиляпти. Жумладан, январ ойининг дастлабки кунларида ҳам бир нечта қонунбузарлик аниқланди. Сирдарё туманида яшовчи Азамат Аллаев ҳам мана шундай жиноятга бош қўшганлардан. У эски танишлари Мавлуда Мўхаммадиева ҳамда Файрат Одиловлар билан тил бириктириб, 3 январ куни Козогистондан сотиб олинган 2070 литр этил спиртини 45 та қўлга жой-

Козогистонда туғилиб ўсган, Тошкент шаҳри Бектемир туманидаги қўпқаватли уйлاردан бирида истиқомат қилувчи Турсуной Раҳимова «Чилонзор» буюм бозоридида савдо қилар эди. 2002 йили Бектемир туман ҳўкимлиги ва солиқ инспекциясида яққа тартибда тадбиркорлик билан шўғулланишга гувоҳнома ва рўхсатнома олганди. Асосан газламалар савдоси билан банд бўлиб, хорижда ишлаб чиқарилган молларни сотиш учун импорт операцияларини ҳисобга олиш картасига ҳам эга эди. Ушбу ҳўжат бўйича Жанубий Кореядан турли газламаларни келтириб, иши юришайтган эди.

## БОЖ ТўЛАШДАН БўЙИН ТОВАЛАДИ

Турсуной топган пулининг бир қисмига Қирғизистоннинг Қорасу бозоридан яна ип-газлама келтириб, сотишни мўлжаллади. «Чилонзор» буюм бозоридида солиқчилар суриштириб қолса, ўша Корея моллари сифатида эски ҳўжатларни кўрсатишни кўзлади. 2005 йил 15 ноябр куни Қирғизистоннинг Қорасу шаҳрига етиб келди. Бозорда кечгача савдолашиб, Хитойда ишлаб чиқарилган беш турдаги 1420 метр синтетик газламан 2.500.000 сўмга сотиб олди. Бироқ молларни божхона кўригидан ўтказиб, бож тўлашни ҳаёлига ҳам келтирмади. Тун ярмигача уларни бўлиб-бўлиб, озгина-озгинадан айланма йўллар орқали чегарадан олиб ўтди. Бунгача «Дамас» маркали иккита қирақаш машина ҳайдовчилари билан юкни Тошкентга етиб беришларини келишиб олди. Ҳаёлига энгил машинада келиб, уларни бозорда кутиб оладиган бўлди. 16 ноябр куни тунги соат 1 да машиналар йўлга тушди. Бир пайт Андижон шаҳрининг Боғишамол даҳасида жойлашган ИПХ пости ва божхона ходимлари салон ва юкхоналари юк билан тўла иккита «Дамас»ни тўхтатиб, кўздан кечиришди. «Дамас» ҳайдовчилари юрларга оид ҳеч қандай ҳўжат кўрсата олмади, газламалар тошкентлик Турсуной исми савдогарга тегишлилигини таъкидлашди.

Божхона ходимлари холислар иштирокида юкларни хатлаб қўйишди. Ҳаёлига «Дамас»лар келмаганидан хавотир олган Турсунойга ҳайдовчилар телефон қилиб, ҳўжатлар билан Андижон вилоят божхонасига етиб келишни тайинлашди. Хорижда ишлаб чиқарилган кўп миқдордаги газламаларнинг ҳўжатларини тақдим этма олмаган «тадбиркор»га нисбатан жиноят иши қўзғатилди. Суд ҳўжмага кўра Т.Раҳимовага тегишли жазо тайинланди.

О.НОРМАТОВ,

Андижон вилоят прокуратурасининг алоҳида мўҳим ишлар бўйича терговчиси

## Моҳият

Виждон яхши-

ликни

ёмонликдан

ажратадиган,

яхшиликка

йўналтирадиган

қучли қўвватдир.

«Саодатнома»дан

## Уюшган банк ходимлари

Фарҳод Пулатов ҳўкимият-даги йиғилишдан ҳаёли паршон ҳолатда чиқди. Бугунги мажлисда нақд пул эмиссияси масаласи мўҳокама этилиб,

банкларнинг бозор иқтисодиёти шароитига мослаша олмаётганлиги, аҳолининг бўш маблағларини омонатга жалб қилиш ишлари қонқарли эмаслиги ўқтирилди. Танқид қилинган «Халқ банки»нинг Жиззах вилояти бўлими мутасаддилари-дан бири сифатида унинг ҳам пўстаги қоқилди. Лекин у ўзини айбдор деб ҳисобламасди. Одамлар пулини банкда сақлашни хоҳламаса унда не айб? Халқнинг ишончига кириш, рекламадан қучайтириш керак эмиш. Бу тахлит ҳаёлий гаплардан нима фойда? Иш қилиш керак, иш! Шахсан у наф бўлмаса, ҳеч қачон қўлини совуқ сувга урмайди.

Ф.Пулатов операциялар бўлими бошлиғи лавозимда ишлаши сабабли камомад талон-тароҳларни аниқлаш юзасидан текширув ўтказиб, бу ҳўжатлар юзасидан тергов органларига хабар бериш вақолатига эга эди. Шу сабабли унинг личиго мой устиди деб

ҳисоблашарди. Аслида ҳам шундай эди.

2003 йил 25 март куни у банкнинг 11-шаҳобчасида назоратчи бухгалтер Э.Раҳмонов ва кассир И.Иномовлар «Мадад», «Усмир», «Кичкинтой» омонатларининг қолдиқ маблағларини ўш вақтида эгаларига тарқатмаганини аниқлади. Маълум бўлишича, бу иккови пулларни икки мартабала қимм қилдишар, бунинг учун сохта қордер тўлдирдилар. Қонун нўқтаи назаридан И.Иномов ва Э.Раҳмоновлар бу қилишлари учун жавобгарликка торти-лиши лозим эди. Лекин Ф.Пулатов бундай қилмади. Ҳамма ишни босди-босди қилиш учун улар билан келишишга қарор қилди. Орандан уч кун ўтмай кечки пайт унинг дарвозаси тақил-лади. Келишилганидек И.Иномов 800.000 сўм пулни пора тариқасида олиб келганди. Ф.Пулатов бу пулни жинойи шериги — икки назорат бўлими бошлиғи С.Ҳазратқулов билан бўлиб олди.

Шундай ҳолат кейинчалик бир неча бор такрорланди. И.Иномов ва Э.Раҳмоновлар юқоридида кўрсатилган омонат-

ларга такроран хиёнат қили-шиб, 13.355.000 сўм маблагни

ўзлаштириб юборишган. Олдинги гал ҳеч қим мушугини пишт демаганили уларни ҳовал-лантириб юборди. Кераклик одамларга озгина улуш ажрат-илса кифоа деб ҳисоблашди. Бу гал ҳам Ф.Пулатов ва И.Иномовлардан 1.000.000 сўм пулни мамнуни-яқ билан қабул қилди. Шу тари-қа аниқланган камомадлар банк балансидан ўтказилмай қолди. Бундан ташқари, бу икки устамон суянчиқлари Ф.Пулатовнинг мадади билан аввал 3.808.000 сўм, кейинчалик 3.906.000 сўмини ўзлаштириб юборишди.

Шу тариқа Ф.Пулатов жи-нойи шериги С.Ҳазратқулов билан биргаликда 3.400.000 сўм пулни пора тариқасида ол-ганлиги сабабли суд томони-дан тегишли шўжага ҳўкм қилинди.

Барно УМАРОВА,  
Жиззах шаҳар прокурорининг ёрдамчиси

## Ёшлар давлат ҳимоясида

Республикамиз Конституциясида ёш авлоднинг ҳўқуқларини ҳимоя қилиш давлат фаолиятининг устувор йўналиши эканлиги белгиланган. Вазирлар Маҳкамиси ҳузуридида воғга етмаганларни ҳимоя қилиш комиссиясининг ташкил этилганлиги ҳамда вилоят ва туман ҳўкимликлари ҳузуридида ҳам шундай комиссияларнинг фаолият кўрсатиши воғга етмаганлар ўртасида ҳўқуқбузарликларнинг қам-майишга олиб келмоқда.

Комиссиялар фаолиятини тартибга солишда Вазирлар Маҳкамасининг «Воғга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини тақомил-лаштириш ҳақида»-ги қарори (2000 йил 21 сентябр) асосий ҳўжат ҳисобланади.

Комиссияда иш қўриблётганда ҳўқуқбузарлик-нинг ижтимоий ҳафлиқли даражаси, ҳўқуқбузар-нинг шахси, моддий аҳоли, ўраш ва иш жойидан олинган таъсирнома, жазодан кўра тарбиялаш қорасини қўллашнинг мақсадга мувофиқлиги ал-батта инобатга олинади.

Яккабў туман ҳўкимияти ҳузуридида комиссияда 2005 йили 21 та маъмурий иш қўриб чиқилиб, ўсим-лар ва уларнинг ота-оналарига нисбатан тегишли қоралар қўрилган. Жумладан, 2005 йил 7 декабр куни соат 10 ларда Яккабў тумани Каттабў қишлоғидида яшовчи Феруза Абдуллаева Рустам Аҳмадов билан тортишиб қолиб, ундан энгил жароҳат олади. Маз-кур ҳолат комиссияда қўриб чиқилиб, ҳўқуқбузарнинг ҳеч қаерда ишламаслиги, мактаб ўқувчиси эканлиги, қилимишдан пушаймонлиги, етказилган жароҳат-нинг энгиллиги инобатга олинди ва Р.Аҳмадов оғ-лантирилди.

А.ЖўРАЕВ,  
Яккабў туман прокурорининг жамоатчи-ёрдамчиси

(Давоми. Боши 1-бетда).

— Ҳаётимизнинг барча соҳаларида эркинлаштириш жараёни давом этаётган бир шароитда ҳокимият ва бошқарув идораларининг айрим мутасадди раҳбарлари қонунбузилишларга, мансабидан шахсий манфаатга йўлдан қайтариш ҳолатлари йўл қўётганини афсус билан таъкидлашга тўри келади.

— Президентимиз 2005 йил 7 февралда ҳукуматнинг янги таркиби билан ўтказган кенгашида давлат аппарати ходимларига қўйилган иккита асосий талаб ҳақида атрофлича тўхталди.

Биринчи талаб ўз ишига бўлган масъулиятни тубдан ўзгартириш, шахсий жавобгарлигини ошириш бўлса, кейинги устувор жиҳат — давлат хизматчиларининг билдирилган ишонч, вазифага муносиб равишда билим, тажриба ва юқори малакага эга бўлишлари кераклигига алоҳида урғу берилди.

Давлат хизматчиларининг фаолиятига уларнинг айнан ана шу талабларга қай даражада амал қилаётганига қараб баҳо берилиши бежиз эмас, албатта. Маълумки, ҳар қандай мамлакатда давлат хизматчиларининг масъулиятсизлиги коррупцияга йўл очади, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари поймол бўлишига, жамиятнинг маънавий-ахлоқий негизлари бузилишига ҳамда давлатчилик асосларининг емирилишига олиб келади.

Департамент органлари томонидан вазифасини виждонан бажармай, тadbirkорлик фаолиятига ноҳилоли билан қараш, таъмагирлик қилиш ва бошқа шу каби суиестемолчиликларга йўл қўётган, сохта тadbirkорларга ҳомийлик қилиб, солиқ ва валютага оид жиноятлар содир этишда бевосита иштирок этаётган банк, солиқ ва ҳокимият органларининг нопок ходимларини аниқлашга йўналтирилган тadbirkорлар амалга оширилмоқда.

Ўтган йили банк ходимлари содир этган қонунбузилишлар оқибатида давлатга 2,5 млрд. сўмлик зарар etkazилганлиги аниқланиб, уларга нисбатан 162 та жиноят иши қўзғатилган. Банк муассасаларининг айрим масъул ва мансабдор шахслари томонидан сохта тadbirkорларга ҳомийлик қилиш, солиқ ва валютага оид жиноят содир этишда иштирок этиш ҳолатлари кўпайиб фoш этилмоқда. Жумладан, «Пахтабанк»нинг Андижон шаҳар бўлими бош мутахассиси И.Исмонлов Андижон туманидаги «Бек электроникс» ИЧК раҳбари Б.Гафуров билан қўрилиш моллари etkazиб берилганлиги тўғрисидаги сохта ҳужжатлар асосида «Экспрессандреид» МЧЖ ҳисоб-рақамига ўтказилган 2 млн. 300 минг сўмни нақдлаштириб, Б.Гафуровга 1 млн. 955 минг сўм нақд пул берганлиги аниқланган.

Кредит маблағларини талон-тароз қилишга оид қонунбузилишлар юзасидан ҳам 47 та жиноят иши қўзғатилган. Масалан, «Савдогарбанк»нинг Жиззах вилояти Ўсмаат бўлими бошқарувчиси Г.Саидова ва ҳисобчи Б.Қаландаровлар хусусий тadbirkор Х.Сабибовага ажратилган 4,5 млн. сўм кредитни ўзлаштиришган. Ёки «Миллий банк»нинг Самарқанд вилояти Каттақўрғон филиали бошқарувчиси К.Иброҳимов ҳамда «Фарзона» ХФ раҳбари А.Р.Ўзимуродовлар тил бириктириб, фирма номига олинган 22 млн. 400 минг сўмлик кредитни ўзлаштириб, филиал томонидан «Имомидин» ХФга ноқонуний равишда 26 млн. сўм кредит ажратиб, «Фарзона» фирмасининг қарзини қоплаш учун ўтказиб беришган.

Барча ҳолатлар буйича жиноят иши қўзғатилган.

Сурхондарё вилояти Термиз тумани ҳокимлигининг иқтисод

бўлими бош мутахассиси О.Мавлонов, шу туман ҳокимлиги қошидаги «Тadbirkорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси» бошлиғи А.Бобоевлар расмий ҳужжатларга сохта маълумотлар киритиб, устав жамғармаси шакллантирилмаган, ҳисоб-рақамидан белгиланган миқдордаги маблағ бўлмаган, давлат божини тўламаган бир неча хусусий корхоналарга улгуржи савдо қилиш ҳуқуқини берувчи рухсатномаларни расмийлаштириб берган.

эркинлашувига олиб келди. Шу нуқтани назардан мазкур жараён, яъни ташқи иқтисодий фаолиятнинг такомиллаштириш йўлида мамлакатимиз раҳбарининг фармонларнинг маънаватларини ижросини босқичма-босқич таъминлаш департамент органларининг олдинга қўйилган муҳим вазифалардан бири бўлиб қолаверади.

— Маблағларнинг банкдан ташқари айланishi ўз-ўзидан нақд пул тақчиллигини юзга келтиради. Натижада ишчилар маошини,

хайрли мақсалларни кўзда тутадди. Биринчидан, нақд пул эмиссияси миқдорини камайтириш, иккинчидан, истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи маҳаллий корхоналарнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, учинчидан, валютанинг четта чиқиб кетишини тўхтатиш, тўртинчидан, мамлакатимизга сифатли, сертификатланган товарлар кириб келишига йўл очиб, бешинчидан, товарларнинг нолегал равишда кириб келишини бартаф этиб, солиқ, божхона тўловлари интен-

монидан ижарага олиниб, бу ерда яшириш цех ташкил этилган. Мазкур дўконларда давлат стандартига жавоб бермайдиган 24,4 млн. сўмлик спиртли ичимликлар мавжудлиги аниқланиб, ушбу ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилган.

— Таҳлилларга кўра қишлоқ ҳўжалигида содир этилаётган қонунбузилишлар ҳамон давом этмоқда. Жойларда ердан фойдаланишда амалдаги қонун талаблари бузилоқда. Табиий ресурсларга ҳўжасизларча муносабатда бўлиш

# Устувор Республика Бош прокуратураси ҳўзуридаги СВОЖКК департаменти бошлиғи Пўлат БОБОЖОНОВ билан сўхбат

## вазифалар ижроси

Шунингдек, солиқ идораларининг 18 нафар ходими ҳўжатларга нотўғри маълумот киритиш, уларни сохталаштириш, солиқларни яшириш оқибатида давлатга 1,6 млрд. сўм зарар etkazганлиги аниқланиб, жиноят ишлари қўзғатилган. Жумладан, Фарғона вилояти Бағдод туман ДСИнинг бош инспектори И.Хидиров «Масивари Даврон» МЧЖнинг солиқдан 15,5 млн. сўм қарздорлигини аниқлаб, тўлган ҳўжатларни тергов органларига юбормаган. «Текширишларни рўйхатга олиш китоби»га эса ҳўжатлар туман прокуратураси

**!!! 4 млн. 300 минг доллар ва 16 минг евро ни ноқонуний муомалага чиқарганлиги юзасидан 91 нафар шахсга, 43 нафар банк ходимига нисбатан жиноят иши қўзғатилди.**

ҳўзуридаги СВОЖКК бўлимига юборилганлиги тўғрисида сохта маълумот киритган. Аслида эса ҳўжатлар 46 кундан сўнг жарима солиши учун вилоят ҳўжалик судига юборилган. И.Хидиров ва «Масивари Даврон» МЧЖ раҳбари П.Йўлдошевга нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

Адолат ва қонунийлик мезонларининг бузилишига йўл қўйган давлат хизматчиларига нисбатан бундан кейин ҳам қатъий чоралар қўрилаверади.

— Валютага оид жиноятларга қарши курашини фаолиятига ҳам тўхтатилган.

— 2005 йилда валютага оид 575 та қонунбузарлик аниқланиб, ҳуқуқбузарлардан ноқонуний муомалага киритилган 392,1 минг АҚШ доллари, 230,1 минг Россия рубли, 80,2 млн. сўм ва бошқа чет эл валютаси олиб қўйилди.

4 млн. 300 минг доллар ва 16 минг евро ни ноқонуний муомалага чиқарганлиги юзасидан 91 нафар шахсга, 43 нафар банк ходимига нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

Маълумки, 2003 йилнинг 15 октябридан Ўзбекистонда жорий операциялар буйича сўмнинг эркин алмаштирилиши расман эълон қилинди. Бу эса ўз навбатида иқтисодийнинг барқарорлашувига, инфляция даражасининг пасайишига, инвестиция жараёнига ижобий таъсирини кўрсатади. Чунки ички валюта бозорининг эркинлашуви товарлар экспорт-импорти, валюта олди-сотидис, молиявий операциялар ва савдога алоқалор бўлмаган пул ўтказиш тушумларининг

пенсиялар пенсиясини, талабалар стипендиясини вақтида ололмади. Бу турдаги қонунбузилишларнинг олдини олиш борасида қандай ишлар қилинмоқда?

— Ушбу йўналишда олиб берилган тadbirkорлар натижасида 2587 та ҳуқуқбузарлик буйича 141,9 млрд. сўмлик ноқонуний нақд пул айланмаси аниқланди.

Айрим ҳўжалик иритувчи субъектлар савдо ҳуқуқини берувчи махсус рухсатномаларни қалбақлаштириб, ноқонуний пул айланмаларини амалга ошириш орқали даромадларини яширишга уринишгапти. Самарқанд туманидаги «Амри-Шердил» МЧЖ раҳбари О.Одилов пул ўтказиш йўли билан олинган 762,8 млн. сўмлик маҳсулотни сотиб, нақд пулни банкга топширмаган.

Ёки айрим ишлаб чиқариш корхоналарининг мансабдорлари солиқларни тўлашдан бўйин товлаш, ноқонуний пул айланмаларини амалга ошириш, бажарилмаган иш ва хизматлар учун қалбақи ҳўжатлар тузиб, маблағларни ўзлаштириши каби ҳолатлар ҳамон учраб турибди. Жиззах вилояти Зарбдор туманидаги «Электромонтаж» МЧЖ мансабдорлари «Баландқакир спорт мажмуаси» қурилиши учун «Ягона буюртмачи хизмати инженеринг компанияси» томонидан ўтказилган 230,7 млн. сўмнинг фақат 26,5 миллионини қурилишга сарфлаб, қолганини «Миллий банк»нинг Жиззах филиал бўлими мансабдорлари билан тил бириктириб, жамият ҳисоб-рақамига туширмай, учинчи шахс орқали қурилиш моллари etkazиб берувчилар билан 235,4 млн. сўмлик ҳисоб-китобларни амалга ошириб, давлатга 112,8 млн. сўмлик солиқларни тўламаганлиги аниқланди. Қонунбузарларга нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

— Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 6 майдаги 154-қарори бозорларимизнинг сифатсиз маҳсулотлардан сақлаш, республикамизга товарларнинг ноқонуний равишда олиб кирилиши ва савдога чиқарилишининг олдини олиши қўзғайди. Назаримизда фуқаролар ҳамон ушбу қарорнинг моҳияти, унинг юртимиз иқтисодийётида нечоғли аҳамиятга эга эканлигини тушуниб етмаётгандек...

— Вазирлар Маҳкамасининг мазкур қарори бир неча йирик,

сивлигини таъминлаб, бюджетга тушумларни кўпайтиришдан иборат.

Афсуски, ана шу юксак мақсадлар йўлида тўсик бўлаётганлар ҳали ҳам учраб турибди. Ўтган йили республика ҳудудига товарларни ноқонуний олиб кириш ва савдога чиқариш билан боғлиқ 1681 та факт аниқланиб, қонунбузарлардан 2,8 млрд. сўмлик товарлар олиб қўйилди.

Тошкент вилояти Зангиота туманида яшовчи Б.Муслимов чет элда ишлаб чиқарилган, сифат сертификати ва божхона ҳўжатлари бўлмаган 20 млн. сўмлик пофайзаларни айланма йўллар орқали республикамизга олиб кириб, сотиш учун сақлаётгани аниқланган. Унга нисбатан жиноят иши қўзғатилган.

Таъкидлаш жоизки, ушбу қарор четдан товар олиб келиш ва савдо қилишни таъқиқламайди. Сифат сертификати бўлган, божхона ҳўжатлари расмийлаштирилган товарлар билан бемалол савдо қилиш мумкин. Аммо чет-

**!!! Содда кишилар эса арзонига учиб, бебаҳо неъмат — саломатликларини гаровга қўяётганини жуда кеч англашмоқда.**

дан тайёр маҳсулот харид қилган кўра, технология олиб келиб сифатли товар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мамлакатимиз учун фойдалироқ эканлигини ҳам ёдан чиқармаслигини ҳерак.

— Шундай деймизу, аммо яширин цехлар ташкил қилиб, исталган давлатнинг товарларини қўлаёла усулда ясаб, бозорга олиб чиқётган «тadbirkор»лар ҳам учрамоқда...

— Ҳар қанча ҳаракат қилинмасин, бундай кимсаларнинг фаолиятига буткул тўсик қўйишининг иложи бўлмапти. Аксарият ҳолатларда уларнинг тегирмонига фуқароларнинг ўзи билиб-билмай суу қуяётди. Негаки, бундай маҳсулотлар ҳақиқийиенга нисбатан бирмунча арзон нархда тавсия этилади. Содда кишилар эса арзонига учиб, бебаҳо неъмат — саломатликларини гаровга қўяётганини жуда кеч англашмоқда.

Департамент органлари яширин цехларни аниқлаш, уларнинг фаолиятига барҳам бериш борасида мунтазам равишда тезкор тadbirkорларни амалга оширишмоқда. Фарғона шаҳрида яшовчи И.Ҳамедова тегишли ерда жойлашган дўконлар «Фарғона Зарниторбону» хусусий корхонаси то-

ҳўдларига тўлиқ чек қўйилмапти. Бу соҳада қонунийлик ва адолатни таъминлаш мақсадида департамент органлари қандай ишларни амалга оширмоқда?

— Қишлоқ ҳўжалигини юксалтириш иқтисодий барқарорлигининг муҳим омил эканлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди. Бироқ, мамлакат иқтисодийётида стратегик аҳамиятга молик бўлган ушбу тармоқни ривожлантиришга старли асослар бўлишига қарамай, жойларда қонунбузилишларга йўл қўйиш ҳолатлари аниқланмоқда.

«Қишлоқ ҳўжалигида ислохотларни амалга оширишга қаратилган қонунлар ижросини таъминлашга оид қўшимча чора-тadbirkорлар тўғрисида»ги фармон ижросини таъминлаш юзасидан қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари етиштирувчи, қайта ишловчи субъектларда фалла ва пахта тайёрлаш, техника, эҳтиёт қисмлар, ёқилга ҳамда минерал ўғитлардан фойдаланиш ва сақлашда жиддий қонунбу-

зарликлар аниқланиб, бартаф этилди. Бу каби ҳолатлар буйича

219 та жиноят ва 55 та маъмурий иш қўзғатилиб, қонунбузарлардан 64 тонна пахта, 82,8 тонна ўғит, 110,6 тонна фалла далилий ашё сифатида олинди.

Андижон вилояти Пахтаобод тумани «Қўқонқишлоқ» ПТХЖ раиси А.Солиев ва бошқалар ҳисоботларни қалбақлаштириб, 346,3 млн. сўмлик 1673,4 тонна пахта қамомадига йўл қўйилганлиги, 2004 йилда қабул қилинган пахтани қайта ишлаш ва сотиш жараёнида жамиятга 279 млн. сўмлик зарар etkazганлиги аниқланган. Ушбу ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилган.

Сўхбатимиз сўнгидеки шунини айтмоқчиманки, департамент ва унинг қуйи тизимлари томонидан Ўзбекистон қонунлари, президент фармонлари ҳамда ҳўкумат қарорлари билан белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, тadbirkорларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш ҳамда давлатга etkazилган иқтисодий зарарини ундириш борасида бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорликда тегишли тadbirkорлар амалга оширилаверади.

«Huquq» мухбири Жаҳонгир ШАРОФБОВ сўхбатлашди

Инсонни қардлаш энг аввал унинг бебаҳо давлати — саломатлигини асраб-авайлашдан бошланса ажабмас.

2006 йилнинг «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» деб эълон қилинишида инсонни, унинг умри ва саломатлигини эъзозлашдек қутлуғ мақсад бор.

Ўз касбига содиқ тиббиёт ходимларининг гўзал фазилатларини ўрганиш, ўргатиш ҳам шифокорларнинг муҳим вазифаларидандир. Йиллар ўтгани сайин «Устоз отангдек улуг» деган мақолнинг маъносини тيرانроқ аниқлаб бораркансан. Чунки донишмандлардан бири айтганидек, ота-онанг сени дунёга келтирса, устоз сени улуглик осмонига юксалтириш учун илми, меҳнати, қалб кўрини сарфлар экан. Профессор Сатқул Жумабоев ана шундай устозлардан эди.

С.Жумабоев дунё таниган академик Б.Огневнинг шогирди сифатида тиббиётнинг лимфология соҳасини чуқур ўрганди. Б.Огневнинг гоғларини республикамизда муваффақиятли қўллаб, қанчадан-қанча инсонларнинг ҳаётини сақлаб қолди. Собиқ иттифоқчи республикалар орасида биринчи бўлиб Андижон давлат тиббиёт институти қошида лимфология марказининг очилиши ва жаҳонда ilk бор «Лимфология» журналининг чоп этилишида ташаббускор бўлди. Биз шогирдлар ханузгача турли вазиятларда устозимизни кўп эс-



# Табобат — энг гўзал санъат

лаймиз, ундан ибрат оламиз.

Б.Огнев Сатқул акани фарзандидек яхши кўрган, кўплаб шогирдлари орасида унга меҳри бошқача бўлган. Академик оғир дардга йўлиққанда касалини қайси жарроҳга даволатиш ҳақида ҳам С.Жумабоев билан маслаҳатлашган. Устоз дунёдан кўз юмганда айни киши чиласи эди. Нохуш хабарни эшитган заҳоти Сатқул ака Москвага учди. Марҳум билан хайрлашув маросимини ўтказишда бош-қош бўлади.

Ривоятларда айтилишича, устозини рози қилган шогирд у қолдирган қазанининг қалитига эга бўларкан. Ҳақиқатан ҳам тиббиёт фан-

лари доктори, профессор С.Жумабоев лимфология соҳасида замонасининг энг йирик олимлари қаторида туради.

«Тиббиёт энг гўзал санъатдир», — деган донишмандлардан бири. Устозимиз илм, амалиёт, ҳалоллик, одамийлик, камтарлик, ўз касбига садоқатни санъат даражасига кўтариб уйғунлаштирган шахс эди.

С.Жумабоев ҳар куни ишга барвақт келарди. Оғир беморларни албатта ўзи кўриб чиқарди. Унинг текшириш жараёнини касаллар ҳам, шифокорлар ҳам сабрсизлик билан кутардилар. Чунки профессорнинг

мана бундай воқеалар ҳам бўлиб турарди. Сатқул ака клиника бошлиғи бўлса-да, ўзининг қариндош ёки дўстларидан бирортасини даволаш керак бўлса, бўлим бошлиғининг олдига кириб, ётиш учун қачон келиши мумкинлигини сўрарди. Ҳеч қачон фалончини фалон куни ётқизинг деб буйруқ бермасди. Сатқул ака мамлакатимизда лимфология соҳасини ривожлантириш учун катта ишлар қилди, шогирдлар тайёрлади. Ёш жарроҳларнинг фаолиятига алоҳида эътибор қаратди, уларнинг ҳар бирига тажрибали шифокорларни бириктириб кўрди. Асо-

хасталиғи тўғрисида Москвада операцияни бошдан ўтказиб қайтган, яна ишга чиқиб эрталабки конференцияни ўтказар экан, йигин охирида дардинг гистологик хулосаси саратон касаллиги эканлигини айтганда ҳаммамиз у кишининг иродасига қойил қолгандик.

Қутлуғ китобларда ёзилишича, уч тоифа одамларнинг амал китоби вафотидан сўнг ҳам ёпилмас экан, яъни авлодларга боғ, кўприк, масжид қуриб қолдирган, солиҳ фарзандлар ўстирган, элга манфаатли китоблар ёзиб қолдирганларнинг ўлимидан сўнг ҳам савобига савоб

қўшилавераркан.

Сатқул аканинг ўнлаб шогирдлари мисоли у қолдирган боғ, фарзандлари эл хизматида; ёзган китоблари эса шифокорлар учун қўланма. Фаолияти эса тиббиётга садоқат билан хизмат қилишнинг орзу қилганлар учун ибрат мактаби.

...Устозимизни сўнгги йўлга кузатиб борарканмик, кўздан Яратганининг оби раҳмати — ёмғир ши-ваблар ёғарди. Чин дунёлари обод, амал китобларига ҳамон савоблар ёзилаётгани рост бўлсин.

Муҳаммадibroҳим ХАЙДАРОВ,  
олий тоифали жарроҳ

## Бирни кўриб фикр қил, бирни кўриб шукр қил.

У касалхона қошидаги ошхонада ишларди. Ҳамма дўхтирлар билан ака-ука бўлиб қолганди. Бир нима бўлмасин-у, бирор касалликка йўлиққудай бўлса, шу акахонлари жонига ора кирди.

— Эркул, қани тез бўл, беморларим кутиб қолишди.

— Нима ейсиз?

— Овқатнинг «додаси»дан олиб кел!

— Чувара бор.

— Фақат тез.

— Шест секунд.

Эркул учарди. Бирпасда столда очил дастурхондек салат, иккита нон, чой пайдо бўлди.

— Бизлар тураимиз, — дейишди нариги столда ўтирганлар.

Чопиб бораётган Эркул пойчаси йиртилганини сезиб қолди. Туфлисини тўлдирган қон товоғига чилп-чилп ёпишаётганди. Нима бўлганини англади. Боши айланб кетди.

Икки-уч врач ва ошхона ходимлари югуриб келиб, кўтариб олишди. Касалхонанинг тез ёрдам бўлими боғлов хонасига олиб киришди.

— Жарроҳлик сизларнинг ишларинг эмас, ўзим қарайман, — деди Нафсиiddинов ва ўзи муолажа қилишга киришди. Оёғининг пастки болдиридagi ишча кесилишдан пайдо бўлган яра перикс ва фурацилин эритмалари билан ювилди, оғриқни қолдириш учун укол қилинди, мушакларга чоклар қўйилди. Оёғининг юқори болдиригача гипсқилиб ташланди.

Кечқурун таомилга кўра Эркулнинг тоғаси дўхтирларга «шароит» қилиб келди. Ширвоз гўшти хилхил пишган эди. Йигитнинг соғлиғи, оёғининг тезда тазалиб кетиши учун иккита «Бекки» бўшатишди. Кечга бориб ўнгит ярасини гипс қисиб, оёғини оғрига бошлади.

— Оғриятти, дўхтирин чакиринглар, — чидай олмай юлса қилди у. — Жим бўлинг, — уришиб берди ҳамшира, — жароҳат бўлгандан кейин оғрийдми-да.

Ярасини пайпаслаб кўрай деса, гипс қаттиқ қотиб қолган. Бирор тош топиб, гипсини сиңдириб очгиси келар, ингради.

Ярим тунда қаттиқ безовта бўлиб, додлай бошлади.

Палатадошлар уйғониб кетди.

— Анавини тинчлантиринглар, одамни дам олгани қўймайти, — деди тунги навбатчиликка қолган

дўхтир эснаб. — Моҳи, унга морфем уриб қўйинг, ухласин.

Эрталаб соат ўнларда зўрга уйғонди. Оёғи зинг-зинг оғриди. Яқшанба куни бўлгани учун денрди ҳеч ким йўқ.

Кечқурун оғриқ кучайди. Ҳеч ким хабар олмади.

— Оғриқ қолдирадиган укол-пукол қилиб қўйинглар.

— Бинг, шприц, дориларнинг пулини берганмисиз ўзи? — деди бир ҳамшира безрайиб.

— Шунга айтмайсизми? — у чўнтагидан гижимланиб кетган кўк, қизил пулларни олиб, оқ халатли опанинг олдига улоқтирди.

— Менга аччиқ қилманг! — деди пулни чўнтагига тижиб ҳамшира, сўнг касаллик тарихини кўтариб, таманно билан дўхтирнинг ёнига кириб кетди.

# Чопиб бораётган йигит

ю, чиқмади.

Тоғаси келтириб берган қўлтиқ-таёққа суяниб, шифокорлар хонасиди тақиллатди.

— Гипс қисаяпти, олиб ташланглар, чидомайялган.

Эшик очилди-ю, даволовчи врач Нафсиiddинов кўричди.

— Ие, ўзлари экан-ку? — деди нажат қотиб.

У оғзидан сигаретни олиб, тугун пуфлади.

— Кўсанми, йўқми?

Дўхтир йигитнинг юзига устма-уст икки тарсаки туширди.

— Бор, ёт! Боши айлангани бунинг?

— Устилариндан шикоят қиламан.

— Кўржитординг-ку. Қаерга шикоят қиласан? Орган-поганингни сотиб оламан. Хе... илиб қўйдим.

Шошилди ўша дўмбоққина ҳамшира қиҳди.

— Юр, ўзим қарайман, — деди сохта меҳрибонлик билан, — о, ўзимнинг укамдан.

Бошларини силади. Палатага олиб кириб, игна санчди. У тинчланиб, уйкуга кетди. Бутун вужуди чириб адо бўлса ҳам сезмайдиган бўлиб уйкуга кетди.

Эрталаб тоғаси келди.

— Онамга айтинг, бир келиб кет-



# Чопиб бораётган йигит

син. Булар қарамаяпти, келмаса бўлмайди.

— Кеча шароит қилиб бердим-ку, камлик қиларканми?

Кўп ўтмай онаси келди. Боланинг аҳолини кўриб йиғлаб юборди. Юрак хуружи тутиб қолиши мумкин деб айтишмаган экан.

— Сени бу аҳволда кўрганимдан кўра ўлганим яхши эмасми, болам! Бошқа бўлимлардан дўхтирларни топиб келди. Улар ҳам оёғининг у ёқ-бу ёғини кўриб, бир-бирларига қараб олишди-ю, елка қисилди.

— Бир бировнинг касалига аралаш олмайсизми.

Она бош врачнинг хузурига югурди.

Палатага яқинлашган бошлиқ сўради:

— Нима сасияпти?

Эркул ўридан кўзгаганди.

— Ётавер, ётавер.

Оёғининг пастки болдирига қўйилган гипсдан нам қиқиб, сарғайиб турарди. Бошлиқ ушлаб кўрди.

— Шинча кесганим? Суякка таъсир қилганим? Нимага гипс қўйилди бу аҳмоқ?

Сўнг гирдиқалпадек бўлиб турган ҳамшираларга буюрди:

— Деразани очиб қўйинглар, пуф, сасиб кетибди ҳамма жой. Аниэроб

гантренаси бошланибди.

Яна нимадир деб гуддираб, бош чайқаб чиқиб кетди.

Соат ўнларда даволовчи врач келди.

— Ҳа, шикоят қилдиларми?

Сўнг бироз юмшаб, бемалол деди:

— Ука, оёғингизни кесамиз, тамом бўлибди, бўлмайди.

— Вой, онажон!

У ўзини қаравотта отиб, ёстиғини мушлаб йиғлади. Она таскин берди.

— Ёлгон, болам. Ҳаммаси яхши бўлади. Марказга олиб бोरамиз.

Она елиб-югурди.

Марказдаги шошилини ёрдамга олиб боришди. Улар гипсини олиб ташлашди. Ярага ишлов беришди. Аммо кеч бўлган эди. Бошқа шифохонага олиб боришди. Оёқни сонидан кесиб ташлашди. Медиклар тили билан айтганда чап оёқ сон қисмидан ампулятация қилинди.

Кечагина елиб-югурган оёқ керак-сиз нарсасдек навқирон ўтли тандан жудо бўлди. Ватан ҳимояси учун собиб турадиган оёқ. Ёғиллар кетига зарб билан тепадиган оёқ. Оқ...

Йигитчанинг момоси жаврайди.

— Вилоятдаги шифокорлар тўп-роқ олса, олтин бўлсин. Набиранинг

ҳаётини сақлаб қолдилар. Бобоси урушдан ярадор бўлиб келиб, яна

злик йиляшади. Тинч замонда оёғини бир парчагина ишча кесиб кетган набирадан ажрალიб қоларди-а.

Бир куни шифохонага набирани кўргани борсам, бир-икки киши барра-ўтларни юляпти. «Нега майсаларни жувонмарг қўйлапсизлар?» деб сўрадим. «Э, момо, — дейишди улар, — бу ерда пайдо бўлган ҳамма нарса юлянади. Юз қат кийимингиз бўлса ҳам ҳаммасини ташлаб, яланғоч бўлиб кетасиз». Бу гапни бир ўйлаб кўринглар.

Менинг юрак томирим узилиб кетди. Одам эмас экан булар. Уйим қуйиб кетди.

Президентимиз 2005 йилни «Сиҳат-саломатлик йили» деб эълон қилди. Буни била билмайди, газета ўқймайди.

Мен ҳозир пенсиядаман. Бир неча йиллар ёшларга тарихдан дарс бердим. Мен мактаб ўқувчиларига: «Орт ўзимизники бўлди, бир-биримизга энди меҳрибон бўламиз», — деганман. Батанининг қорига ярайдиган бир йигитни шу аҳволга солишдим, унга қўл кўтаришдан ҳам тоймайди бунақалар.

Касб юзасидан вазифасини лозим даражада бажармаганилиги учун судланаётган врачга мурожаат қилди.

— Болам, оқ халатингизга қон томибди. Сиз суднинг қора қорусида ўтиргангиздан мен қийналиб кетаялман. Набиранинг ҳолидан бир бор хабар олмадингиз-а. Бир оғиз мендан хато ўтибди, кечирасизлар демаядингиз-а. «Боринглар қаерга борсанглар, бораверинглар», — деддингиз. Оз бўлса-да, виждонингиз қийналмади. Ҳар бир касалда сиз фақат пулни қўрасиз.

Момо ўзоқгагириди. Тарихчи момо. Оқ-у қўкка бурканган момо. Яқинда бир фарзандидан ажралган эди. Миллис эди. Жиноятчиликка қарши курашар эди. Қирқини чакармай набираси бу аҳволга тушди. Кўргуллик экан.

Эски тарих дарсини ўқитавериб, руҳига синфий ёндашувлар сингитиб кетган. «Мустақиллик биз учун бўлган эди, бир ҳовуч манфаатарастлар учун эмас-ку», — дейди.

Биргина тиббиёт ходимининг бепарволлиги тўғрисида ҳаммадан хафа бўлаяпти. Ҳамма фожеа мана шунда.

Довуд МАДИЕВ,  
Р.БЕКНАЗАРОВ.

Табиатни ҳеч қим измига бўйсундира олмайди. Қаҳри келса, у ҳамма ерни остин-устун қилиб юборди. Биргина Индонезиядаги цунами туфайли минглаб одамлар қурбон бўлди. Европада ёзнинг ҳалдан ташқари иссиқ келиши кўлаб одамларнинг силласини қуритганди. Энди эса қиш «хунари»ни кўрсатмоқда. Япониядаги совуқ юздан ортиқ кишининг умрига зомин бўлди. Россиянинг айрим жойларида термометр -50 даражани кўрсатгани ҳақида ОАВда хабар берилаяпти. Мамлакатимизнинг шимолий ҳудудида ҳам ҳаво ҳарорати -35 даражага етмоқда. Бундай шароитда қишлоқ ва шаҳарларимиздаги иссиқлик тизими, электр тармоқлари ўзлуксиз ишлаш оладими? Бу борада қандай муаммолар бор? Мухбиримиз шундай саволлар билан Республика Бош прокуратурасининг бошқарма прокурори Оғабек Матназаровга мурожаат қилди.

— Айни кунларда Германия, Руминия, Россия ва бир қатор давлатлар аҳолисини қаҳратон «қақшатмоқда».

— Тўғри айтасиз. Қиш ўзини қудратли санаб юрган мамлакатларнинг ҳам иқтисодига зарба бермоқда. Иссиқлик тизимлари, электр тармоқлари совуққа дош бера олмай ишдан чиқаяпти. Айниқса, йўлларда катта муаммолар пайдо бўлмоқда.

— Бугун эрта тонгдан муштарийларимиз «Тошкент — Уш» йўлидаги вазиятни билмоқчи бўлиб тахририятимизга қўнғироқ қилди. У ерда вазият қандай?

— «Тошкент — Уш» йўли водийни пойтахт билан боғлайдиган муҳим йўл. Бу йўналишда ҳар кун минглаб автомобиллар қатнови йўлга қўйилган. Қишда бу йўлда юриш ҳар бир ҳайдовчидан маҳорат талаб қилади. Қор қалин ёғиши сабабли бу йўналишдаги автомобиллар қатнови тўхтаб қолган.

Яна шунини айтиш мумкинки, шу йилнинг 26 январидан бошлаб, «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси мамлакатимиз пойтахти билан Фарғона водийси ўртасида «Тошкент — Андижон — Тошкент» йўловчи поездининг қатнови мунтазам йўлга қўйди.

Пойтахтимиздаги вазиятга келадиган бўлсак, Тошкент шаҳар ҳокимиятининг қишга пухта тайёргарлик кўрмаганлиги маълум бўлиб қолди. Ҳамон пойтахтимизнинг айрим кўчалари қордан тўлиқ тозаланмади.

— Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 12 майдаги «Республика қишқирнинг тармоқларини 2004-2005 йилги кўз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинган эди. Қарорнинг ажраси юзасидан қандай ишлар амалга оширилди?

— Жойларда ўқазилган темир йўлларда прокурорлар асосий эътиборни иқтисодий тармоқлари ва ижтимоий соҳа муассасаларини 2005-2006 йил кўз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлаш бўйича комплекс чора-тадбирларнинг бажарилишига қаратишди. Ёнғин хавфсизлиги бошқармаси билан биргаликда уй-жойлар, бино ва иншоотларнинг техник аҳоли, қозонларнинг мукамал таъмирланганлиги, корхона ва ташкилотларнинг иситиш тармоқлари ўзлуксиз ишлашини таъминлаш учун ёқилғи захираларининг яратилганлиги текшириб чиқилди.

Республика бўйича 2005 йилда 2876 км. газ қувури ўтказилиш белгиланиб, режа 101,4 фоизга бажарилган. Шунингдек, 2017,4 км. ичимлик сув тармоғи ўтказилиши режалаштирилиб, амалда 2048,9 км. тармоқ ўтказилган.

Қишлоқ аҳолисини 1282 тонна табиий ва суёлтирилган газ билан таъминлаш белгиланган эди, ҳақиқатда шунинг 1286 тоннаси етказиб берилди. Қўриқиб турибдики, қишга яхши тайёргарлик қўрилган. Бироқ, бу бора-

# Қиш лоқайдларни жазолайди

да муаммолар ҳам йўқ эмас. Текширишда жойларда айрим мансабдорларнинг вазифасини талаб даражасида бажармаганлиги, маблағларни талон-тарож қилганлиги ҳам аниқланди. Жумладан, «Қорақалпоққурилишгазсервис» фирмаси раҳбари Х.Акимниязов Амударё тумани «Бердақ» ширкат ҳўжалиги ҳудудидан 14.367.000 сўмлик 2 километрик газ тармоғини 2004 йил 31 декабрга қадар қуриб топшириш мажбу -

**!!! Андижон вилоятидаги Хонобод қурилиш коллежига олиб келинган 662.000 сўмлик 4,6 тонна ёқилғини омбор мудири У.Тўйчиёв ўзлаштириб юборган.**

риятини олганди. Бироқ Х.Акимниязов яроқсиз қувурларни ишлаб, ҳўжатларни қалбақлаштириб, 2,2 млн. сўмлик маблағларни талон-тарож қилган. Ушбу ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, Х.Акимниязовдан 2,2 млн. сўмлик зарар ундирилди ва жиноят иши судга юборилди.

Мазкур жиноят иши 2005 йил 8 апрелда Нукус шаҳар судида қуриб чиқилиб, Х.Акимниязовга 2.747.500 сўм жарима солинган.

Текширишда қуз ва қиш мавсумида қозонхоналарнинг ўзлуксиз ишлаши учун жағмарилган заҳира ёқилғиларини ўзлаштириш ҳолатлари аниқланган. Хусусан, Андижон вилоятидаги Хонобод қурилиш коллежига олиб келинган 662.000 сўмлик 4,6 тонна ёқилғини омбор мудири У.Тўйчиёв ўзлаштириб юборган.

«Тошиссиқкуват» корхонасининг Мирзо Улугбек тумани ишлаб чиқариш бирлашмасининг масъул ходимлари 844.400 сўмлик мулкни ўзлаштиришган.

— Таҳсиллардан қўриқиб турибдики, айрим жойлардаги хўжалик объектлари, уй-жойлар қишқи мавсумга қўнғидадек тайёрланмаган.

— Тўғри. Бунинг учун айбдор бўлган раҳбарлар қонун олдига жавоб бермоқда. Хусусан, Писикент туманидаги «Гулшан» уй-жой мулкдорлари ширкатига қарашли 7 та кўп қаватли уй таъмирланмаган. Бунан аша шу йўда яшовчилар совуқдан азият чекоқмоқда.

Яна бир мисол. Олмалик шаҳрида 1991 йилгача қурилган уй-жойларни мукамал таъмирлаш

ишлари ўтган йилнинг сентябрь-октябрь ойларида тугатилиши керак эди. Бироқ уларнинг бирортасида ҳам ишлар охирига етказилмаган. Таъмирланган турар-жой биноларида иссиқ ва совуқ сув тармоқлари техник талабларга жавоб бермайдиган газ винтеллар қўйилган. Шундай қонунбузилиш ҳолатлари Ангренада «Ангренагазтаъминот» корхонаси, «Иссиқлик манбаи», «Сувоқава», «Қумиртехтранс» ва «Ангрэн кўмир ҳавзаси» бошқармаларида ҳам аниқланиб, уларни зудлик билан бартараф қилиш юзасидан шаҳар ҳўкмилари номига тақдимнома-лар киритилган.

— Қорни текширишда ризқ дейишди. Шу йилнинг 26-27 январиде ёққан қор жойларда анча муаммоларни келтириб чиқарди. Айрим хонадонларнинг эгалари уйни иситиш учун газни ёқиб қўйишяпти. Бу иссиқлик манбааларини меъёрга ишламаслигини далолат бермайдими?

— Бу борада ҳокимиятларга, ширкатларга тегишли кўрсатма-лар берилган. Бироқ шунга қарамай, бу борадаги муаммоларни ҳал қилиш қийин кечаяпти. Ҳамон айрим уй-жой мулкдорлари ширкати раҳбарлари лавозимидан фойдаланиб, коммунал хизматлар учун йиғилган пулларни ўзлаштиришмоқда. Оқибатда иссиқлик тизимларини яхшилаш учун маблағ етишмаяпти. Уйларни совуқ кетган фуқаролар носоз электр асбобларидан фойдаланаяпти. Жумладан, Тошкент шаҳар Сирғали туманидаги «Ешлик юлдузи» уй-жой мулкдорлари ширкати мансабдорлари ваколатини суистеъмол қилиб, коммунал хизматлар учун йиғилган 5,9 млн. сўм нақд пулни банкка топширмай, ноқонуний равишда бошқа мақсадларга сарфлаб, талон-тарож қилишган. Ушбу ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, мансабдорлардан етказилган зарар ундирилган. Мазкур жиноят иши 2005 йил 17 мартда Сирғали туман судида қурилиб, ширкат мансабдорлари Алланазаров ва Йўлдошевлар айбли деб топилди, ҳар бирига 326.000 сўм жарима солинган.

Урганч туманидаги «Хоразм ипаги» ширкати раиси Ж.Тожиёв уй-жой мулкдорларининг ишончини суистеъмол қилиб, 7- ва 8-уйларни иссиқлик энергияси билан таъминловчи қозонхонада ишлаб келинаётган «Универсал-5» сув иситиш қозонини, электрогенераторни, сув етказиб берадиган насос ва қувурларни,

## УЙИНГИЗ БОРМИ, ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИ?

Ўзбекистон Президентининг 2006 йил 13 январда Қуролли кучларда хизмат қилаётган аскар ва офицерларга йўллар табрида барча ҳарбий хизматчиларнинг яшаш шароитини яхшилаш лозимлиги таъкидланган эди. Ҳақиқатдан ҳам Ватан ҳимоячилари учун яратилаётган шароит, берилётган имтиёзлар уларнинг машаққатли меҳнатининг эътирофи этилишидир.

Президентимизнинг 2005 йил 30 июндаги «Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучларининг ҳарбий хизматчиларини ижтимоий муҳофаза қилишни таъминлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори бутун моҳият билан белгиланган тартибда турар-жой билан таъминланмаган ҳарбий хизматчиларни ижтимоий муҳофаза қилишни кўзлайди.

Бу қарорга кўра 2005 йилнинг 1 июлидан бошлаб, армияда шартнома бўйича хизмат қилаётган, амалдаги сарф-харajatлар дорисида турар-жой билан таъминланмаган оддий аскар, сержант ва офицерларга турар-жойни ижарага олганлик учун:

— Тошкент шаҳрида — энг кам иш ҳақининг 4 баравари миқдориди;  
— Нукус шаҳри ва вилоят марказларида — энг кам иш ҳақининг 3 бараваригача миқдорда ойлик компенсация тўлиниши белгиланган.

Оила аъзолари уч киши ва ундан ортиқ бўлган тақдирда ҳарбий хизматчиларнинг ушбу компенсация миқдори 50 фоиз оширилади.

Қонун талабидан келиб чиқиб, Чирчиқ ҳарбий прокуратураси томонидан Чирчиқ ҳарбий гарнизони уй-жой фондидан ҳолати бўйича, шунингдек уй-жой қончилигига риоя этилиши юзасидан текширув ўтказилди. Унда бир қатор жиддий камчиликлар аниқланди. Чирчиқ гарнизони бошлигининг буйруқлари бажарилишини назорат қилиш Чирчиқ уй-жойдан фойдаланиш қисми (Чирчиқ УЖФК) бошлигининг зиммасига юклатилган. Бироқ текширув кўнунча, яъни яқин 2 йил давомида юқорида кўрсатилган буйруқларнинг бажарилиши юзасидан ҳеч қандай чора қўрилмаган. Натижада уй-жойлардан тўғри фойдаланилмаган. Масалан, 08366-ҳарбий қисмига бўйруқ бўйича 99 та хонадон бириктирилган, ҳарбий қисм тақдим қилган рўйхатда эса 101 та хонадон мавжуд. Бундай ҳолатлар бошқа ҳарбий қисмларда ҳам учрайди.

Чирчиқ УЖФК уй-жой гуруҳи тақдим этган маълумотларга кўра Чирчиқ гарнизони ҳудудидаги жами уй-жойлардаги 264 та хонадонда Мудоффа вазирлигига алоқаси бўлмаган шахслар истиқомат қилган.

Чирчиқ УЖФКга қарашли айрим уйлар текширилганда бўш ва қаровсиз хонадонлар, коммунал қарзларнинг ортиб кетиш ҳоллари аниқланди. Мисол учун, 1999 — 2001-йиллари 07984-ҳарбий қисм командири лавозимида хизмат қилган подполковник Чирчиқ шаҳри 9-микрорайон 29-уй 1-хонадонда яшаб келган. 2001 йилда хизматни ўташ учун бошқа жойга кетганлиги боис бу ерда ҳеч қим яшаманган. Оқибатда 2004 йилнинг декабрига қадар 338.340 сўмлик коммунал қарз юзага келган. Чирчиқ ҳарбий прокуратурасининг аралашуvidан сўнг хонадон бошқа ҳарбий хизматчига берилди.

Қўлгина ҳарбий хизматчилар уй-жой ва коммунал хизматлар учун қарздордирлар. Чирчиқ ҳарбий прокуратураси ҳамда Чирчиқ УЖФК 2005 йил давомида коммунал тўлов учун қарздор бўлган 34 та шахсга 3 млн. 915 минг 671 сўмлик давво арizasлари киритган ва ижобий натижага эришган.

Мавжуд камчиликлар мувофиқлаштирувчи кенгаш томонидан атрофича таҳлил қилиниди ва уларни бартараф этиш бўйича махсус гуруҳ тuzилди.

Текшириш давомида Чирчиқ ҳарбий прокуратураси ва УЖФК томонидан фуқаролик ишлари бўйича Чирчиқ туманларо судида Мудоффа вазирлигига алоқаси бўлмаган фуқаролардан хонадонларни ҳарбий қисмларга қайтариш ва уларнинг коммунал қарзларини тўлаш бўйича 19 та давво арizasи киритилган ва 18 таси қаноатлантирилган.

Чирчиқ УЖФКнинг бир қатор масъул ходимлари вазифасига совуққонлик билан қарагани учун лавозимидан озод этилди.

«Huuquq» мухбири  
Зайниддин МАМАДАЛИЕВ  
сўхбатлашди

Адхамжон АХМЕДОВ,  
Чирчиқ ҳарбий прокурори

2005 йилнинг 25 сентябр куни у таниши Озод Давлатовниги кириб борди. Озод ака неваданинг бешик тўйига тарадуд кўраётган эди. Баҳодир куюк салом-алиқдан сўнг акахоинининг гамига ғамдош, қувончига дилдошдек сўради:

— Дарвоқе, тўйга кўчқор олдингизми?

— Вой, эсим қурсин, шуни унутимиз-а!

— Юринг, машинани ҳайданг. Таниш чўпонларим бор. Улардан арзонроқ кўчқор олиб бераман.

Баҳодирнинг бу гафи О. Давлатовга хуш ёқди. Эски «Запорожец»га ўтириб, туман марказига жўнашди.

Айнан шу пайтда вилоят руҳий касалликларшифохонасида даволаниб чиққанига ҳали ўн кун ҳам бўлмаган Малика (илтимосига кўра исми ўзгартириб берилмоқда) «Фазовот» бозоридан тўлиб-тошиб келаётган эди. Илгари у уйқу-сиэлик даридан сиқилиб, кўзига олам тор кўриниб юрарди. Ҳозир эса ўша дардли кунлар орта қолаётганига шукрона айтса, бугун яна бир ёшга улғайганидан қалби севингга тўлиб масрургина уйига қайтар эди. Қишлоқни қоқ иккига бўлиб оқлаётган канал кўпригига ақинлашган ҳам эди, қирмизи ранг «Запорожец» Маликанинг ёнига келиб тўхтади. У эса ҳеч нимага парво қилмай йўлида давом этаверди. Машина ойнасидан бошини чиқарганча бир йигит унга гап ташлади:

— Сингилжон, юр, манзилга элтиб қўямиз!

Малика эйтибор бериб қараса, уни чақираётган киши шаҳарлик танишларидан экан.

У машинага чиқиши билан ўлжани қўлга туширган тулкидай Б. Машарипов «Запорожец»нинг эшигини ёпиб, очқични пастига бураб қўйди. Қизнинг кўнглига шубҳа оралади.

— Эшикни нега қўлфладингиз? — дея сўради у.

— Ор-

# Тажовуз

Баҳодир Машарипов Урганч туманидаги Гойбу кишлоғида рўйхатда турсада, Қўшқўпир шаҳар Шароф Рашидов кўчаси 2-уйда яшаб келарди. У саккиз йил аввал ЖКнинг 169-моддаси 1-қисми бўйича судланиб, 2 йилга озодликдан маҳрум қилинган эди.

дона қолгурнинг шалоғи чиққан. Қулфлаб қўймасак, очилиб кетаверади, — дея жавоб берди Баҳодир.

«Запорожец» йўлда давом этди. Уйига ақинлашганда Малика рулни бошқариб бораётган О. Давлатовга мурожаат қилди:

— Мени кўчамиз бошига тушириб кетинг!

Ҳайдовчининг ўрнига Баҳодир жавоб берди:

— Ўтиравсангчи, бир айлантириб келамиз.

Кўз очиб юмгунча машина Қўшқўпирга етиб келди. Баҳодир йўл четига бозорчага кириб, бир шиша ароқ ва газак

деб жавоб берди. Сўнг биздан вино олиб, бирга отамлашди.

Маликанинг кўрсатмасидан: «Авалло, Баҳодир ўзи олиб келган ароқдан менга куйиб узатди. Ичмайман дегандим, у газак билан: «Агар ичмасанг, шу уйдан ўлигинг чиқади!», — дея пўписа қилди. Мен



учун у-бу нарсани олиб чиқди. Кейин эса улловни туман марказидаги илонизи кўчалардан бирига қайтади. Бир уйнинг рўпарасига келганда қизни қўлидан тортуганча машинадан тушириб қолди.

Судда гувоҳ Шухрат Худойбергандон шундай кўрсатма беради:

«25 сентябр куни тахминан соат 15<sup>00</sup> лар чамасида уйда қалгимиз Роза билан ўтиргандим, кутилмаганда танишим Баҳодир нотаниш бир қизни етаклаб кириб келди. Биз ундан бу хотиннингми деб сўрадик. У ҳа

кўрқанимдан оз-моз ютиндим. Бу билан уни алдаб бўлмади. Тўрт пиёла ароқни босиб ичирди».

Уй эгаси олиб келган винодан ҳам ичирган, Баҳодир Маликани боғ томондаги хоналардан бирига судрайди.

Шу куни қизнинг номуни поймол бўлади. Малика ёрдам сўраб қичқирганда уни кутқариш ўрнига хонадон эгалари пўписа қилишади.

— Агар бу ерда Баҳодир қилаётган ишни бировга айтсанг, бошингни сапчадай узиб ташлайман, — дейди Ш. Худой-

бергандоннинг «қаллиғи» Роза Маликанинг томоғига пичоқ тираркан.

Номуси оёқости қилинган Малика булардан осонликча қутулиб кетмаслигини тушуниб етди. Шу боисдан ўзини сипо тутди.

— Опажон, юз-қўлимни ювишга сув беринг! — деди мулоимлик билан. Роза сув олиб келиш учун ичкарига кирганида вақт ғаниматлигини англаган Малика шитоб билан ўзини кўча эшиги томон урди.

Чолиб кетаркан, қизнинг кўзи туман ИИБнинг кўриклаш бўлимига жойлашган бинога тушди. Кўркувдан дир-дир титраганча, шу маҳкамага кириб борди. У ердаги соқчилардан бири зудлик билан ИИБга сим қоқди. Бир зумда навбатчи етиб келди. ИИБга борган, Малика воқеани бошдан-охиригача йиғлаб-сиқтаб айтиб берди.

— Ўша машинанинг маркази қанақа эди? — дея сўрашди.

— Мен машинанинг фарқига бормайман, — деди Малика.

У ўзини Баҳодир алдаб олиб борган уй қайси кўчада жойлашганини яхши эслаб қолганди. Бу ҳақда милиционерларга тушунтириб берди.

Шундай қилиб Баҳодир Машарипов қўлга олинди. Яқинда қизнинг номуни поймол қилишга қўриб чиқилди. Жиноятчи 6 йилга озодликдан маҳрум қилинди.

Рустам КАРИМОВ,  
Қўшқўпир туман прокурори.  
Эрнўлат БАХТ,  
«Нуқуқ» муҳбири

## Бугун айрим

ёшларимиз энгил

йўллар билан

мўмай пул топиш,

осон бойлик ортти-

риш йўлига кириб

қолишяпти. Ғижду-

вон туман судида

кўрилган бир жино-

ят иши тафсилоти

шундай ҳулоса

қилишимизга сабаб

бўлди.



# Кабел

# ўғрилари

зириш ва Харошхона кишлоқлари ҳудудида ўрнатилган симёғочлардан ТПП 30x2 маркали 250 метр, ТПП 10x2 маркали 250 метр, КСПП 1x2 маркали 250 метр кабелларни қирқиб олишди. Бу сафар Ғиждувон коммуникация боғланмасига 1 млн. 559 минг 455 сўм зарар етказилди.

Жиноий тўда Ҳамид Олимжон ширкат ҳўжалигида ўрнатилган симёғочлардан ТПП 200x2 маркали 250 метр, ТПП 50x2 маркали 650 метр алоқа линияси кабелларини қирқиб олишди. Оқибатда телекоммуникация боғланмасига 3 млн. 373 минг 160 сўмлик зарар етказилди.

Ваҳоб Ҳамроев шериклари билан Қоровулбозор туманида монтер бўлиб ишлаган Ойбек Курбановнинг уйига борди. Улар Харошхона ва Вазиршоҳ кишлоқларидаги телефон алоқа кабелларини ўғирлаб сотиш ҳақида келишадилар. Ойбек ўғирлик молларини ўтказиб беришга ваъда берди. Ўғрилар кабелларни ўғирлашгач, келишилганидек, Ойбекнинг ҳовлисига келтиришди.

Аммо тўданинг қилмишларидан хабар тонган Ғиждувон туман ИИБ бўлими ходимлари Ойбекнинг уйда тинтув ўтказишди. Қўли эгри шерикларнинг ўз қилмишларини тан олишдан ўзга чораси қолмади.

Ғиждувон туман прокурорининг Д. Равшанов, О. Курбановлардан Ғиждувон, Вобкент, Бухоро туманлари телекоммуникация боғланмасига етказилган моддий зарарни ундириш ҳақида даъво ариза туман суди томонидан қаноатлантирилди. Жиноятчилар қилмишларига яраша жазосини олишди.

Эркин СУЛТОНОВ,  
хўқуқшунос

Янгираблотки Дилшод Равшановнинг дарвозаси тақиллади. Уй эгаси ғира-шира қоронғуда уларга пешвоз чиқди.

— Бормисан, огайни? Ўзимиз йўқлаб келмасак, кўринмайсан — деди Ваҳоб.

— Рўзгор, бола-чақа ташиши деганларидек... Уйга кирайлик, бир пиёла чойимиз бор.

Уч йигит — Дилшод, Ваҳоб ва унинг укаси Шаҳоб уйга киришди.

— Укам иккимиз бир таклиф билан келдик. Биламиз ишсизсан. Меҳнатнинг яхши-ёмони бўлмайди. Бунинг устига биз

мўлжаллаган ишдан мўмайгина даромад келади.

— Қанақа иш, қўлимдан келармикан? — сўради Дилшод.

— Телефон алоқа кабелларини йиғамиз. Фақат хўшёрлик ва чақонлик керак. Ишимиз «нозик» бўлганлиги учун тунда ишлашга тўғри келади. Биз билан ҳамкорлик қилсанг, кам бўлмайсан.

Дилшод дўстининг таклифига рози бўлди...

...Тун борлиққа қора чодрасини тортиди. Йигитлар Ғиждувон бош бекатидан «Тойота» микроавтосида Бухоро тумани «Бухоро» ширкат ҳўжалиги ҳудудидаги катта йўл ёқасига келишди. Дилшодга шу ерда шерикларни кўтиб

туриш, бирор хавф туғилиб қолса, уларга билдириш вазифаси топширилди. Ака-ука эса йўлнинг ўнг томонидаги узумзорга қараб кетишди. Тахминан, икки соатлардан сўнг Ваҳоб Дилшодни чақирди. Улар симёғочлардан қирқиб олинган 4 ролон кабелни йўл ёқасига ташиб келишди. Машина кира қилиб, Ваҳобнинг уйига келтиришди. Ови бароридан келган Ваҳоб Дилшодга 10 минг сўм берди. Дилшод икки-уч соатда шунча пул ишлаганидан хурсанд уйига қайтди.

Ака-укалар эса 1.110 метр кабелни куйдириб, мис симларни сотишди. Бу билан улар Бухоро туман телекоммуникация боғлан-

масига 816.000 сўмлик зарар етказишди.

Кўп ўтмай ҳамтовоқлар навбатдаги «операция»ни режалаштиришди. Улар Вобкент туманидаги Р. Хусенов номли жамоа ҳўжалиги Чойхона кишлоғи йўналишида 10 та симёғоч ораллиғидаги 4 қатор 3 мм.ли 4.600 метр симларни ўғирлашди.

Бемаза қовуннинг уруғи кўп бўлади деган нақлда жон бор экан. Тўданинг сафи кенгайиб борарди. Уларга Ойбек Курбанов ҳам қўшилди.

У навбатдаги овда шерикларига ҳамкорлик қилди. Улар Ғиждувон туманидаги Ҳамид Олимжон номли ширкат ҳўжалиги Ва-



## Жосуслар устидан суда бўлади

Россияда жосуслик қилган икки нафар Буюкбритания фуқароси устидан суд жараёни жорий йилнинг баҳорида бўлиб ўтади. НТВ телеканали орқали намойиш этиладиган «ЧП недели» кўрсатувига берган интервьюсида ФХХнинг собик директори, ҳозир Давлат думасининг уруш фахрийлари ишлари бўйича кўмита раҳбари бўлиши генерал Николай Ковалёв бу борада фикр билдириб, шундай деди: «Ҳозирга келиб, Буюкбритания махсус хизматлари фаолият қўламини кенгайтириб бораётти, улар аввалгидай яширин эмас, балки айрим ҳолларда очикдан-очик ахборот йиғадилар. Буларнинг етарли малакага эга эмаслигидан далолатдир». Буюкбритания ташқи ишлар вазирлиги вакиллари Россияда ҳибсга олинган британиялик жосуслар борасида ҳеч қандай маълумотларга эга эмаслиги ва бу масала юзасидан ҳали аниқ ахборот тарқатишга эрта эканлигини таъкидлашмоқда.

## Кема ҳалокати

Якшанба кuni Фин кўрфазидаги Голланд ороли яқинида Англияга тегишли «Юнимар» кемасида кучли портлаш рўй берди. Мазкур кема бортида металл ва 50 тонна ёқилғи бўлган. Машина бўлимида рўй берган портлаш натижасида «Юнимар» ёна бошлаган. Унинг бортидаги 8 нафар экипаж аъзоси «ёрдам» чақиригига бинноан етиб келган россиялик денгизчилар томонидан қутқарилган.

## Дипломатик зиддият



Россия Ташқи ишлар вазирлиги Грузиянинг Москвадаги элчихонасига иссиқлик энергиясини етказиб бериш тўғрисидаги шартларини маълум қилди. Вазирлик вакиллари айтишича, бу грузинлар қўйган шартларни қадамга нисбатан жавоб бўлади. Гап шундаки, Россиянинг Грузиядаги элчихонаси ва Тбилисида фаолият олиб бораётган Россиянинг «Газэкспорт» компанияси биноларига иссиқлик етказиб бериш 27 январдан тўхтатилган. Дастлаб бу ҳолат Грузияда газ етишмаслиги билан изоҳланди. Бироқ, Тбилиси мэри Гиги Угулаванинг 28 январда берган баёнотида «Мен «Тбилизга»га Россия элчихонаси ва «Газэкспорт» компанияси жойлашган биноларга газ етказиб берилишини тўхтатиш тўғрисида буйруқ бердим» дейилади. Шу боис рус дипломатлари мазкур қадамга жавобан ўз фикрларини билдирдилар. Тез орада икки давлат вакиллари ўртасида ушбу келишимовчиликларни бартараф этиш бўйича ҳамкорликда иш олиб борилиши кутилмоқда. Акс ҳолда, бундай қарорлар икки давлат ўртасида дипломатик алоқаларнинг ривожига катта ҳаф солиши мумкин.



## Аниқлик киритилди

Оксий-Гудермес-Грозний йўналишидаги газ қувурида рўй берган авария сабаблари ўрганилмоқда. Аввалроқ мазкур тезкор-тергов гуруҳига раҳбарлик қилаётган Чеченистон прокурори Валерий Кузнецов газ қувуридаги авария қувурлардаги босим ошиб кетганлиги натижасида рўй берган деган тахмин илгари сурганди. Лекин «Чеченгазпром» компанияси вакилининг авария ташқи таъбир остида рўй берган деган изоҳи кўпчиликини иккилантириб қўйди. Эслатиб ўтамиз, мазкур авария Гудермес шаҳридан бир ярим километр узоқликда оқиб ўтувчи Белка дарёси яқинида рўй берган. Натижада Чеченистоннинг Шали, Курчалой ва Грозний туманлари газсиз қолган. Шанба кuni қувурни таъмирлаш ниҳоясига етди. Олиб борилган текширишларга асосланиб мазкур ҳолат юзасидан ўз фикрини билдирган Чеченистон ҳукумати раиси вазифини бажараётган Рамазан Кодиров газ қувуридаги авария ҳеч қандай ташқи таъбир натижасида бўлмаганини, бу оддий техник носозлик эканлигини таъкидлади.



Parandada tripplining sўngi qurujı natiжasida Janubiy sharqiy Osiyo va Turkiya davlatlarida 83 kishi qurbon buldi. Buning duna olimlari ushbu muammolarni yechimni talashmoqda.



## Молиявий фириблар

Россияда турлиноқунуний молиявий операцияларга аралашиб ном чиқарган бизнесмен, ҳозир Россия ва Исроил фуқароси бўлиши Владимир Гусинский Исроил полицияси томонидан сўроқ қилинмоқда. Петах-Тикведаги полициянинг халқро жиноятчиликка қарши кураш бўлими Гусинский «Апоалим» банки орқали ноқунуний пул айланмаларини амалга оширган деган тахминни текширяпти. Аввалроқ мазкур банк орқали турли ноқунуний молиявий операцияларни амалга оширганликда гумон қилиниб «Апоалим»нинг турт нафар россиялик миҳозига ҳам айблов эълон қилинган эди. Булар Россия президентининг инвестициялар бўйича маслаҳатчиси Юрий

Винник (маълумотларга кўра, Виргиния оролларида рўйхатга олинган «Минтон» компанияси айнан унга тегишли экан), Россиядаги қурилиш компанияларидан бирининг раҳбари Павел Ланг ва рафикаси ҳамда унга қарашли компания ходими Людмила Тахорлардир. Айбловларга кўра, мазкур шахслар «Апоалим» банки орқали Россиядан уларнинг Европадаги ҳисоб-рақамларига 7,5 миллион доллар маблагни олиб ўтишган. Исроил банкида «Минтон» компанияси ҳисоб-рақамига келиб тушган пуллар атиги бир-икки кун турган, холос. Кейин улар Европадаги махсус ҳисоб-рақамларга ўтказиб юборилган. Дастлаб, «Апоалим» фирибида кўплаб россиялик ишбилармонлар аралашган деган тахмин илгари сурилганди. Бироқ текширишлар натижасида айбланувчилар сони анча камайган. Ўз навбатида Гусинский мазкур ноқунуний молиявий операцияларга умуман алоқаси йўқлигини таъкидламоқда.



## Визага ҳолат йўқ

Туркия ҳамда Грузия ўртасидаги дипломатик алоқалар яхшиланмоқда. Грузия президенти Михаил Саакашвили ҳамда Туркия Бош вазири Режеп Тайип Эрдоган ўртасида Швейцарияда бўлиб ўтган учрашувда томонлар ҳамкорлик ришталарини янада мустаҳкамлашга қарор қилдилар. «Мазкур учрашув чоғида, — дейди Грузия президенти маъмуриятининг раҳбари Георгий Арвеладзе, — Туркия Грузия фуқаролари учун виза тартибини бекор қилишга қарор қилди. Бу ҳар бир грузин фуқароси ҳеч қандай визасиз ва чегара тўловларисиз Туркия ҳудудига ўта олади деганидир».

Таъкидлаш керакки, сўнгги йилларда икки давлат ўртасида кириш-чиқиш масалалари анча чигаллашган эди. 2005 йилнинг кузига келиб эса Грузия Туркия фуқаролари учун виза тўловларини бекор қилган. Грузинларнинг ташаббуси бекор кетмади. Яқин кунлардан бошлаб грузинлар ҳам ҳеч бир муаммосиз Туркия ҳудудига қирадилар.

**Иккинчи бор сайланди**

Якшанба кuni Финляндияда ўтказилган президентлик сайловининг иккинчи босқичи ниҳоясига етди. Сайловда мамлакатнинг амалдаги раҳбари Тарья Халонен 51,8 фоиз овоз билан галабани кўлга киритган. Унинг рақиби Саули Ниинистосэса 48,2 фоиз овоз йиға олган, холос. Шундай қилиб, Финляндия тарихидаги биринчи президент аёл яна олти йилга яқин ҳукуматга бошчилик қилади. Халонен Социал-демократлар партияси номзодидир, унинг рақиби бўлган мамлакатнинг собиқ молия вазири Саули Ниинистос консерваторлар коалицияси партияси вакили ҳисобланади. Бироқ сайловда улар тақдим этган дастурлар бир-бирига жуда ўхшаб кетади. Кузатувчиларнинг фикрича, Халоненнинг аёллик латофати ва жозибаси сайловда анча қўл келган.



## Шаҳар электрсиз қолди

Озарбойжон пойтахти Боку шаҳри якшанба кuni тўлиқ электр таъминотисиз қолди. Шу кuni бarcha транспорт воситалари, пойтахтдаги завод ва фабрикалар, маъмурий идоралар фаолияти тўхтади. Қизғин шундаки, Бокудаги «Бармек» электр тизими бошқармасида нима сабабдан электр таъминоти узилди деган саволга жавоб топилмади. Шундай бўлсада, ҳозир текширув ишлари олиб борилмоқда. Таъкидлаш керакки, бир неча кун аввал кучли қор ёғиши натижасида мамлакат парламенти ўз ишини тўхтатганди. Балки қорнинг асорати электр тармоғида носозлик рўй беришига сабаб бўлгандир...



Покистоннинг Панжоб вилоятида пойтахт Исломобод яқинидаги шаҳарчага йўл олган йўловчи поездди ҳалокатга учради. Дастлабки маълумотларга кўра, релслардан чиқиб кетган поезднинг олти вағони 15 метрлик жарга

## Жарга қулаган поезд

қулаб тушган. Ҳалокат натижасида 3 киши ҳаётдан қўз юмган, ўнлаб йўловчилар турли даражада жароҳатланган. Қутқарув ишлари ниҳоясига етди. Жароҳат олганларнинг барчаси яқин орадаги шифохоналарга жойлаштирилган. Покистон транспорт вазирининг гапига кўра, мазкур ҳолат юзасидан текширув комиссияси иш бошлади. «Юз берган ҳалокат террорчилик ҳаракати ёки маъсўл шахсларнинг вазифини соғуқонлик билан қараштиришга оқибати — буни тергов яку-

нига кўра билиб оламиз», — деди Исҳоқ Ҳақваний. Шунингдек, жаноб Ҳақваний поезд ҳайдовчиси йўлнинг ушбу хавфли қисмида тезликни етарли даражада камайтирмаган бўлиши мумкин деган тахминини ҳам айтиб ўтди. Эслатиб ўтамиз, 2005 йилнинг июл ойида Покистонда сўнгги ўн йил ичидаги энг катта темирйўл ҳалокати юз берганди. Ушанда Гхотки станциясида учта поезднинг тўқнашиб кетганлиги оқибатида 300 га яқин одам қурбон бўлганди.

## «MI-5»нинг инқирози



«Sunday Times» нашрининг хабарига кўра, ўтган йилнинг июл ойида Лондонда содир этилган террористик ҳаракатларнинг тергов ҳеч бир самара бермапти. Британия журналистларининг қўлига Буюкбритания ҳафсизлик хизмати — «MI-5» ходимлари томонидан мамлакат Бош вазири Тони Блэр учун тайёрланган саккиз бетли ҳисобот тушиб қолди. Унда Лондонда содир этилган террористик ҳаракатларни «ал-Қоида» ёки бошқа бир террористик гуруҳ содир этганини ҳақиқатга аниқ маълумотлар йўқ. Ҳисоботда айтилишича, террористик ҳаракатлар қачон, ким томонидан режалаштирилган, жангарилар қаерда машғулот ўтказган деган саволларнинг барчаси ҳамон маҳкумликга қолмоқда. Шунингдек, 7 ва 21 июлдаги террористик ҳурувларнинг бир-бирига боғлиқлиги ҳақида ҳам ҳеч нарса дейилмаган. 2005 йилнинг 7 июлида Лондонда содир этилган террористик ҳаракат натижасида 52 киши ҳаётдан қўз юмган эди.

«Internet» хабарлари асосида Д.ЭШМУРОДОВ тайёрлади

## СИЗ НИМА ДЕЙСИЗ?

Дерли барча тахриятларда бўлгани каби «**Huquq**» газетасида чоп этилган ҳар чоршанба кuni бизнинг тахриятда ҳам янги соннинг муҳоамаси бўлиб ўтади. Баъзи мақолалар ижобий баҳоланса, айримлари танқид қилинади. Гоҳида шундайлари ҳам учрайдики, ходимлар ўртасида қизгин баҳсга сабаб бўлади.

Тазетамизнинг жорий йил 25 январдаги 4-сонида «Жиноят ва жазо» рункида чоп этилган «Қора курсида... судья» номли суд очерки навбатдаги баҳсга сабаб бўлди. Шу ўринда воқеанинг қисқача мазмунини келтириб ўтишни жоиз деб билдик.

Республикамиздаги шахарлардан бирининг жиноят ишлари бўйича судининг раиси маст ҳолда машина бошқариб, коллеж талабалари бўлмиш икки ўспиринни уриб юборди. Натижада улардан бири воқеа жойида, иккинчиси хушига келмай касалхонада оламдан ўтади.

Ходимиз газетанинг янги сонини шарҳлаб бўлгач, ундаги мақолалар юзасидан мунозара бошланди-ю, юқоридаги суд очерки юзасидан ҳамма ўзининг фикрини билдирди. Биров «Маст ҳолда машина бошқариш мумкин эмаслигини ҳамма билади. Судья ҳам ҳамма қатори одам. У ҳам янглишиши мумкин. Шундай бўлгач, «судья» сўзига ургу бериб, сарлавҳага олиб чиқиш шартми?» деса, яна биров унга қарши чиқиб, «Тўғри, судья ҳам ҳамма қатори одам. Аммо, у

шу пайтгача неча ўнлаб жиноий ишларини кўрган, ҳукм чиқарган. Қолаверса, шунга ўхшаш воқеа учраган ҳам бўлиши табиий. Энди судьянинг ўзи кечагина бундай ҳуқуқбузарликларни қилган одамга ҳукм чиқарса-ю, бугун ўзи айнан шундай ҳуқуқбузарлик қилиб турса! Судья сўзи сарлавҳага чиқариб тўғри қилинган. Қонун олдида барча тенг» деб ўз фикрини билдирди.

Хуллас, ушбу мунозарадан кейин ўзаро келишиб, «Баҳс» номли янги рунк очигша қарор қилдик. Бу рункнинг бошқаларидан фарқи, унда турли соҳа вакиллари ўз мулоҳазалари билан қатнашиши мумкин. Демак, юқоридаги воқеа ҳамда тахриятнинг ўзида бошланган баҳсини ушбу рункнинг дебосчаси деб ҳисоблаб, барчани мунозарага қорлаймиз. Азиз газетхон, сиз нима деб ўйлайсиз, фожеа сабабчиси бўлмиш суд раисининг қилмишини бошқа шунга ўхшаш қилмишлар билан бир хил деб қабул қилиш мумкинми?

ТАХРИЯТ



## Машҳурлик қимматга тушаяпти

Роман Абрамовичга тегишли «Челси» футбол клубининг молиявий ҳисоб-китоб натижалари ачинарли аҳволда эканлиги маълум бўлди. Мазкур клуб ўтган йили 140 миллион фунт-стерлинг зарар кўрган. 2003—2004-йилларда клубнинг молиявий зарари 88 миллион фунт-стерлингга ташкил қилган.

«Челси» директори Питер Кеноннинг айтишича, ҳозир клуб маъмурияти молиявий аҳволни яхшилашга қаратилган бизнес-план устида иш олиб бормоқда. Бунинг натижа-сида асосий фаолиятдан келган зарар анча қисқаради. Бироқ умумий харажатлар анчага ошиб кетиши кутилмоқда. Чунки «Челси» клуби трансфер қилинган футболчилар учун Абрамовичнинг 265 миллион фунт-стерлин-гини сарфлаган. Натижада ўтган мавсумда клуб мамлакат чемпиони бўлди.

## Тошкент шаҳар фавқулодда вазиятлар бошқармаси хабарлари

### Ёрдам кўрсатилди

2006 йилнинг 2 январ кuni соат 17:30 да фавқулодда вазиятлар бошқармасининг навбатчи диспетчерига Тошкент тумани «Гулистон» ширкат бўғалиги ҳудудида йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлганиги тўғрисида хабар келди. «Қутқарув хизмати»нинг 7 нафар ходими махсус жиҳозланган автоловда воқеа жойига зудлик билан етиб боришди ва жабрланганларга биринчи ёрдам кўрсатишди. Жараҳат олган фуқаролар шаҳарнинг 16-ва 17-клиник касалхоналарига ётқизилди.

Шунингдек, 18 январ кuni соат 4:40 да Тошкент шаҳар ФВБнинг навбатчи диспетчерига Мировод тумани «Оқ йўл» кўчасида авария бўлганиги ҳақида фуқаро О.Шоносовдан хабар келди. Лейтенант А.Жалилов бошчилигида «Қутқарув хизмати» ходимлари томонидан махсус асбоблар орқали автоловнинг шикаст етган қисми кесиб олиниди ва жабрланганлар улов ичидан чиқарилиб, шифохонага еттуларига қадар биринчи тиббий ёрдам кўрсатилди.

### Қутқарувчи ғаввослар

Мировод тумани «Нукус» кўчаси ёнидан оқиб ўтувчи «Салор» каналда одам жасади борлиги ҳақида Мировод тумани ИИБ навбатчиси катта лейтенант М.Жўраевдан хабар тушгач, бошқарманнинг «Судда қутқарув хизмати» ғаввослари кидирув ишларини олиб бордилар. Натижада 1 январ кuni термизлик, 1944 йилда туғилган Юрий Кинчикнинг жасади топилди ва Мировод тумани ИИБ ходимларига топширилди.

9 январ кuni Чилонзор тумани Туроб Тўла кўчасидан оқиб ўтувчи «Бўрижар» каналдан ҳам шахси номан-лум, ёши тахминан 45-50 ларда бўлган кишининг жасади сувадан олиб чиқилиб, туман ИИБ ходимларига топширилди.

### Жиноятчи ушланди

Ҳамза туман ИИБ ходимлари Юнусобод тумани Бўриев кўчаси 38-ўйда бир неча марта жиноят содир этиб сувланган ва охириги жинояти учун қочиб юрган шахс беркиниб юрганлиги, лекин у зшикни очшидан бош тортганиги тўғрисида хабар қилишди. Тошкент шаҳар ФВБ ходимлари томонидан махсус ас-боблар орқали хонадон эшиги очилди ва жиноятчи туман ИИБ ходимларига топширилди.

### Қудуқ ичидаги одам

11 январ кuni соат 11:00 да Тошкент шаҳар ФВБ навбатчи диспетчерига Бектемир тумани Ж.Остонов кўчаси 75/2-ўй олдидаги қудуқ ичида одам қолиб кетганиги ҳақида фуқаро Ж.Усмоновдан хабар тушди. Бошқарма «Қутқарув хизмати»нинг бошлиғи катта лейтенант Х.Бобонов раҳбарлигидаги қутқарувчилар воқеа жойига етиб келиб, жабрланувчини қудуқдан ҳеч бир шикастсиз олиб чиқишди.

### Зарарли газлар мавжуд эмас

13 январ кuni соат 00:40 да Юнусобод ва Мирзо Улугбек туманларида яшовчи аҳолидан ҳаводан но-маълум газ ҳиди келаятганиги ҳақида Тошкент шаҳар ФВБ навбатчи диспетчерига хабар тушди. Бошқарманнинг махсус тиббий-биологик бўлимаси бошлиғи катта лейтенант М.Жўраев раҳбарлигида-даги мутахассислар «Тошшаҳаргаз»нинг навбатчи гуруҳи билан биригилда Юнусобод, Мирзо Улугбек, Ҳамза туманларида махсус жиҳозлар ёрдамида текширув ўтказишди. Соат 5:15 га қадар ўтказилган текширувдан сўнг ҳавода зарарли газлар мавжуд эмаслиги аниқланди.

Хуснияxon **ТОЖИБОЕВА**,

Тошкент шаҳар ФВБ матбуот гуруҳи ходими

### Ўтагаларнинг охираги обод бўлсин!

Республика Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖКК департаменти жамоаси бўлим катта инспектори Ш.Розмухамедовга отаси **Аҳмед РОЗМУХАМЕДОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор этди.

Навоий вилояти прокуратураси жамоаси «Қонун кучи» ва «Фемид» газеталарининг Бош муҳаррири

### Топшўлат ФАЙЗУЛЛАЕВнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳум-нини оила-аъзоларига чўқур ҳамдардлик билдирди.

## Афоризм

Ҳима қилиш керак эканлигини била туриб шунки қилмаслик кўрқок-ликдан ҳам баят-тарқиб.

Тергов баённомасидан:

«Мурданинг оёқлари тизза қисмидан букилган эди...»



## Қизиқарли факт

Саҳрон Кабир сайёраимизнинг энг кам ёгин ёғадиган ҳудудларидан биридир. Лекин 1979 йил 18 февралда бу ерда қор ёққани кузатилган.

## Хавотирга ўрин борми?

— Ҳурматли тахрият! Ўзбекистонда ҳам ҳақиқий киш бошланди. Аммо, бир неча кун кетма-кет ёққан қорни ҳамда телевизор орқали Европа ва Россиядаги совуқларни кўриб, бизга ҳам келмасмикан деб хавотирланаямиз. Бундай об-ҳаво яна қанча вақт сақланиб туриши мумкин? Шу ҳақида маълумот берсангиз.

Ғиёс **НУРМУХАММЕДОВ**,  
Тошкент шахри

### Саволга Ўзгиромет маркази жавоб беради:

— Дарҳақиқат, январ ойининг сўнги беш кунлигида республикамизга Ўртаер денгизи районларидаги ва нам, Россиянинг Европа қисмидан эса совуқ ҳаво оқимининг кириб келиши кузатилади.

Ўтган кунлар мобайнида ёққан қор республикамиз бўйича ойлик мейёрга тенг бўлиб, фақатгина Андижон ва Фарғона вилоятларида бу кўрсаткич икки ва ундан ортқ марта кўлдир.

Қорқопламанинг қалинлиги Тошкент, Сирдарё ва Наманган вилоятларида 20-40 см, Андижон ва Фарғона вилоятларида 40-60 см. га етган.

Худди шундай об-ҳаво Ўзбекистонда 1969 йилда ҳам кузатилиб, ўшанда ҳаво ҳарорати 20 даражагача пайсаян.

1-2 феврал кунлари мамлакатимизда вақти-вақти билан қор ёғади. 3-4 феврал кuni ёгингарчилик кузатилмайдди. Фақатгина Хоразм ва Қорақалпоғистонда қор ёғиши мум-

кин. 1-3 феврал кунлари ҳарорат кечаси 0-5 даража совуқ, кундузи 0-5 даража илқ, шимолий ҳудудларда эса кечаси 7-12 даража совуқ, кундузи 1-6 даража совуқ бўлиши кутилмоқда.

3-5 февралда кечалари 3-8 даража совуқ, кундузи 3 даража совуқ ва 2 даража илқ бўлади.

Тоғли ҳудудларда об-ҳаво ўзгарувчан бўлади. Ҳарорат кечаси 6-11 даража, кундузи 2-7 даража совуқ бўлади.



Адвокат:

— Жаноб Смитнинг васил-ятномасини эълон қилишдан аввал унинг рафиқасига битта савоал бор. Хоним, менга турмушга чиқмайсизми?

\*\*\*

Мижоз адвокатга эътироз билдираётми?

— Сиз рафиқамни оқлашга ваъда берган эдингиз, аммо уни айбдор деб топилди, устига-устак катта жарима белгиланди...

— Рафиқангиз суд процессида менга биринта сўз айтишга ҳам имкон бермади-ку, ахир...

Ҳарфларни тўғри кетма-кетликда улаб, яширилган сўзни аниқланг. (Намунага қаранг).



КОНСТИТУЦИЯ

4-сон (25 январ)даги ребус жавоблари: Кидешнинг, подполковник, девольшация, омбудсман, баллистика, импичмент, тенофонд, василятнома.

**HUQUQ**  
yuridik gazeta

Ta'asischi:  
**O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi**

Bosh muharrir:  
**Abdulloq ABDURAZZOQOV**

Tahrir hay'ati:  
Bahriddin VALIYEV, Pirmuqol QODIROV, Jahongir SHAROFBOYEV  
(Bosh muharrir o'rinbosari vazifasini bajaruvchi), Fozil MAMASHARIPOV  
(mas'ul kotib vazifasini bajaruvchi), Lola SHOMURODOVA

Tahririyat manzili:  
Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.

Telefon: 133-82-34, 133-64-72.  
E-mail: info@huquq.uz.  
Faks: 133-64-85, 133-10-53.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 023-raqam bilan ro'yxatga olingan. Nashr ko'rsatkichi — 231

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egalariга qaytarilmaydi. Mualliflarning fikrlari tahririyat fikridan farqlanishi mummyn. Nashrimizdan ko'chirib bosilganda «HUQUQ»dan olinganligi ko'rsatish shart. Tijorat ahamiyatiga molik materiallar \*\* belgisi ostida chop etiladi.

Buyurtma Γ — 456.  
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.  
Navbarchi muharrir: **Sh.YODGOROV**  
Muhohib: **A.MUSTAFOYEVA**

Gazeta «Sharq» NMK bosmaxonasida ofset usulida chop etildi. Korxonа manzili: Toshkent shahar, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta haftaning chorshanba kunlari chiqadi.

Sotuvda erkin narxda

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 20.00, Topshirildi: 17.30. 1 2 3 4 1 7 8